O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси
1998 йил, 22 декабр
42 (172)-сон

ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ, МАФКУРАВИЙ, МАЪНАВИЙ ЗАМИНИ

1998 йил 24 декабр куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Сессия мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, демократик, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамиятимиз олдида турган вазифаларни муваффақиятли рўёбга чиқариш вазиятида ўтади. Барқарорлик ва иқтисодиётнинг юксалиб, аҳоли фаровонлигининг яхшиланиб бораётганлиги республикамизнинг ички сиёсий ҳаётига хос хусусиятдир.

Парламентнинг бўлажак ўн учинчи сессияси улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеадир. Сессиянинг дастлабки кун тартибига кўра, депутатлар 22та масалани кўриб чиқишлари керак бўлади. 1999 йилги Давлат бюджети лойиҳаси уларнинг энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, солиқ тизимини ҳамда молиявий инфратузилмани такомиллаштириш мамлакатимиз бюджетининг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Сессия кун тартибида депутатлар муҳокамасига иккинчи ўқишда «Уй-жой кодекси», «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида», «Ўрмон тўғрисида», «Радиочастота спектри тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Реклама тўғрисида» (иккинчи ўқишда), «Лизинг тўғрисида» сингари қонунлар ва бошқа зарур ҳужжатлар тақдим этилмоқда.

Олий Мажлис ва депутатлар ўн учинчи сессияга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

ЖУРНАЛИСТ ЎЗ ҲУҚУҚИНИ БИЛМАСА...

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасида

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинганига бир йил тўлди. Хўш, ўтган давр мобайнида бу муҳим ҳужжатлар ҳаётга қай даражада татбиқ этилди? Жойларда уларнинг ижроси қандай бўлмоқда?

Жумҳурият Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси томонидан тузилган депутатлик ишчи гуруҳи бундан бир неча кун бурун ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида Бухоро вилоятида бўлганди. Юқорида тилга олинган қонунлар ижросини таъминлаш йўлида вилоят бўйича олиб борилаётган ишларни жумҳурият оммавий ахборот воситалари мутахассислари иштирокида ўрганиб чиққанди. Ўтган ҳафта Матбуот ва ахборот қўмитасида ана шу таҳлил якунларига бағишланган йиғилиш бўлди. Муҳокамани қўмита раиси, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов кириш сўзи билан очди. Сўнгра вилоят ҳокимининг ўринбосари Нуриддин Очилов иккала қонуннинг амалиётда бажарилиши, бу борада эришилаётган ютуқлар, йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, мавжуд муаммолар ҳақида ахборот берди. Ишчи гуруҳ аъзоларидан Олий Мажлис депутатлари Иброҳим Ғафуров ва Хуршид Дўстмуҳаммад сўзга чиқиб, мушкулотларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Нотиқларнинг таъкидлашларича, вилоятда ушбу қонунлар асосида бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилган, уларнинг ижросини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Вилоят ҳокимлиги, шунингдек, жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 15 апрелда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тўғрисида»ги 160-рақамли қарорни бажариш юзасидан тегишли тадбирлар белгилаган. Шу асосда вилоятда чиқаётган 28та оммавий ахборот воситаси ўз муддатида қайта ҳисобга олинган. Айни чоғда, қатор нашрлар бир хил номда чоп этилаётгани аниқланган, саккизта газета турли сабабларга кўра, мутасаддилар томонидан «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси талаблари бузилганлиги сабабли давлат реестрига киритилмаган.

Вилоятда газеталарнинг савиясини ва сифатини яхшилаш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ 18та газета замонавий компютерларда терилмоқда, офсет усулида чоп этилмоқда. Бироқ турли тармоқлар ва туманлар нашрлари ҳисобланмиш 10та газетанинг моддий-техник базаси анча эскириб, ночорлашиб қолган. Улар ҳамон линотип машиналарида терилиб, босилмоқда. Бу уларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Саҳифаларининг хира ва кўримсиз чиқишига, фотосуратларининг англаб бўлмайдиган даражада бўёқ билан чаплашиб кетишига олиб келмоқда.

Таҳлиллар яна шуни кўрсатадики, айрим газеталарни чиқаришда қонун талабларига тўла риоя этилмаган. Масалан, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг «Бухоро тўқимачиси» газетасини олайлик. Унда нашрнинг индекс рақами, чоп этишга рухсат берилган ва имзо чекилган вақти, босмахона манзили кўрсатилмаган. Вилоят солиқ давлат бошқармаси муассислигида чоп этилаётган «Солиқ назорати» газетасида ҳам айнан шундай нуқсонлар учрайди.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунда газета ёки журнал саҳифасининг 40 фоиздан ортиғи реклама ва эълонларга ажратилса, у реклама нашрлари жумласига киритилиши таъкидланган.

Бундан ташқари, ҳар бир газета ва журнал ўз номидан ва мавзу йўналишидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатиши лозим. Афсуски, ўз ўқувчилари сонини кўпайтиришни, шу тариқа молиявий-иқтисодий аҳволларини ўнглаб олишни ўйлаган айрим таҳририятлар жамоаси ва ноширлар бу оддий ҳақиқатни унутиб қўймоқдалар. Мана, бир мисол: «Бухоро спорти» деб номланган газетанинг адади анча катта. Бу жиҳатдан у ҳатто вилоят ҳокимлиги муассислигида чиқаётган нашрларни ҳам аллақачон ортда қолдириб кетган. Хўш, бунинг нимаси ёмон дерсиз? Ҳамма гап шундаки, ушбу газетани қўлга олиб, спорт оламидаги сўнгги янгиликлар, долзарб муаммолар билан танишаман десангиз, янглишасиз. Сабаби, у гарчи спорт нашри ҳисобланса-да, 2-ва 3-саҳифалари бошдан-оёқ бошқа газеталардан кўчирилган ўзбекча ва русча теледастурлар билан тўлиб чиққан. Тўртинчи саҳифа эса, асосан, реклама-эълонлардан иборат. Бу ҳоллар «Бухоро спорти» ўз йўналишига доир хабар-мақолаларни ёритишга етарли даражада эътибор қаратмаётганидан далолат беради.

Умуман олганда, вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари журналистик текширувлар ўтказишда ҳам сусткашлик қилмоқдалар. «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида давлат журналистга ахборотни эркин олишини ва тарқатишини кафолатлаши алоҳида кўрсатилган бўлса-да, ўз фаолиятларида журъатсизликка йўл қўймоқдалар. Ана шунинг оқибатида гезеталарда фуқаролар ҳуқуқларининг поймол қилинишига бағишланган, бирор воқеа ёки ҳодиса чуқур таҳлил қилиниб, атрофлича ёритиб берилган таҳлилий-танқидий мақолалар чоп этилмаётир. Вилоят телерадиокомпаниясининг айрим камчиликларини бартараф қилиши ва ўз фаолиятини яхшилаши учун уларга рақобатда бўла оладиган нодавлат радио ва телестудиялар ташкил этиш тараддуди кўрилмаётир.

Йиғилиш ниҳоясида қонунларни бажариш борасидаги камчиликларни тугатиш, вилоят оммавий ахборот воситалари таҳририятларини замонавий техникалар билан жиҳозлашни кучайтириш, эълон қилинаётган мақолалар, эшиттириш ва кўрсатувлар савиясини яхшилаш, журналист кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

А. ҲАЙДАРОВ

Деҳқон эртани ўйлайди

ТАИЛАНДДАН 40 ТА МЕДАЛ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Таиландда ярим ой давом этган XIII Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Якшанба куни унинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Холисона беллашувларда ҳамюртларимиз спортнинг 22 тури бўйича ўз куч-маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Бироқ кўпда омад кулиб боқмагани боис аввалги мусобақаларда эгаллаган ўринларидан беш поғона пастга тушиб қолдилар. Умумий натижаларга кўра, уларга 10-ўрин насиб этди. Шундай қилиб, спортчиларимиз икки ҳафта ичида жаъми 40та, жумладан, олтита олтин, йигирма иккита кумуш, ўн иккита бронза медални қўлга киритдилар. Бу жиҳатдан хитойлик, таиландлик, қозоғистонлик ва Жанубий кореялик спортчилар улоқни ўзлари билан олиб кетдилар.

Навбатдаги Осиё ўйинлари 2002 йилда Жанубий Кореяда ўтказилади.

ҲАМЖИҲАТЛИК КУЙЧИСИ

Шу йил улуғ қорақалпоқ шоири Бердақ таваллудининг 170 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри Бердақ номидаги мусиқали театрда шу қутлуғ санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар иштирок этиб, Бердақ ижодининг теран моҳияти, асрлар бўйи яшовчан аҳамияти хусусида сўзладилар. Тантанада санъат усталари ва ёш ижрочилар катта концерт дастурини намойиш қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев йиғилганларга мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг табригини ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимиз пойтахтида ҳам шу муносабат билан юбилей тадбирлари ўтказилди. 18 декабр куни Тошкент шаҳридаги Бердақ хиёбонида Бердақ бюстининг очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида шоир ижодига бағишланган «Марказий Осиё халқлари адабиётида Бердақ ижодининг ўрни» мавзуидаги илмий амалий конференция ҳам шу улуғ санага бағишлаб ўтказилган. Уни ЎзФА Президенти, академик Т. Жўраев кириш сўзи билан очди. Б. Назаров, С. Каримов, С. Камолов, Н. Худойберганов, Т. Қайипберганов, И. Юсупов каби олим ва ижодкорлар шоир ижоди ҳақида маъруза қилдилар. Мажлис иштирокчиларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Т. Атамуродов табриклади. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Муҳайё ҲАМИДОВА

Тараққиёт кашфиётлари

ДУНЁНИ КАШФИЁТ АСРАЙДИ

18 декабр куни ЎзР ССВ қошидаги 1-клиника шифохонасининг конференциялар залида Республика микология ва протоза касалликлари илмий Маркази директори, Россия Табиий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Назминисо Абдуллаевна ДЕҲҚОНХЎЖАЕВА таваллудининг 70 йиллиги ҳамда илмий ва меҳнат фаолиятининг 49 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Халқ саломатлиги йўлида чинакам фидокор, илмнинг машаққатли довонларидан ўтиб, дилу жонлар малҳамини топган юксак истеъдод, ватанпарвар қалб эгаси муҳтарам олима билан махсус мухбиримиз учрашиб, илмнинг моҳияти, олиманинг тиббиёт соҳасидаги беназир кашфиётлари, унинг келажак орзулари ҳақида суҳбатлашди.

— Бир сўз билан айтганда, бугун тараққиёт илмга қараб турибди, юксалиш поғоналарига кўтарилмоқ учун биз илмдан қувват оламиз. Айни тафаккур асрида жамики соҳаларда илмнинг, илмий кашфиётларнинг ўрни беқиёс. Шунинг баробарида бу кашфиётлар даврдан қанча илгарилаб, янгидан янгиланиб борар экан, шубҳасиз, уларни амалиётга киритиш учун ҳам ана шу даражадаги технологиялар зарур бўлади. Бу технологияларнинг кўпчилиги хорижий ўлкалардан келтирилади ёки тадқиқотларни ана шу жойларда олиб боришга тўғри келади. Тўғри, қадим алломаларимизнинг илми комилликлари ҳам сафар билан боғлиқ кечган. Лекин беморнинг шифо истамоғи олимнинг илм истамоғи каби эмас, пировард, биз элюртга шифо келтирмоғимиз, уни шу ерда амалга оширмоғимиз лозим. Буюк келажагимизнинг ҳақиқий бунёдкорлари бўлган халқимиз саломатлиги биз учун энг муҳими, энг кераклисидир.

Ҳозир мамлакатимиз аҳолиси ўртасида анимия — камқонлик касаллиги кенг тарқалган, Орол бўйи музофотларида аёлларнинг 95 фоизи шу хасталикка чалинган. Биласизми, кўпчилик (сиз ҳам шу фикрда экансиз) бу касалликнинг сабабларини фақат моддий етишмовчиликдан деб билади. Аслида ундай эмас, шу мавзуга доир кўпчилик илмий тадқиқотларим фикримнинг тасдиғи, албатта. Тўғри, бу хасталик аввал (олдинги асрларда) деярли учрамаган, шу маънода камқонлик XXI аср касаллигидир. Унинг қандай бўлиши, нега экология нисбатан оғирлашган минтақаларда кўпроқ учрашининг илдизларини аниқлаб кўрдик. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, касалликни чақирувчи заменелёз замбуруғи бўлиб, бу замбуруғ тупроқда, қонда, она сутида, янги туғилган чақалоқнинг киндик қонида бўлар экан. Замбуруғ айни шу манбалардан юқади, қон катакчаларини заҳарлайди, қон таначаларини ея бошлайди ва натижада юқорида тилга олинган касаллик юзага келади. Бундан ташқари, бу замбуруғ аллергия, иммунофедицит (организмнинг турли микробларга қарши кураш қобилиятининг сусайиши) каби хасталикларни ҳам пайдо қилади.

Мана, бир неча йилдирки, камқонликка чалинган беморларни даволаб келамиз. Лекин бундан ҳамма ҳам бохабар эмас, чунки кўпинча айни шу хил беморларни қонни изга солувчи дори-дармонлар билан даволашади. Ёки кишилар ўзларига қараб, тўйимли овқатлар еб тузалгандай бўлишади. Бироқ бош масала танадаги ана шу замбуруғни йўқотиш, махсус даво усулларини қўллашдир. Шундагина бу хасталик бошқа такрорланмайди. Камқонликка сира бефарқ қараб бўлмайди, ахир у мамлакат аҳамиятига молик бўлиб турибди. Қолаверса, ушбу замбуруғ келтириб чиқарган касалликлар ўз вақтида муолажа қилинмаса, аста-секин яна бошқа хил касалликларга ҳам сабаб бўлиши табиий.

Ҳозирда камқонликнинг олдини олиш мақсадида илмий саъй-ҳаракатларга жиддий киришмоқдаман. Шу маънода эндиги орзуим «XXI аср касаллиги»га қарши инсон организмида иммунитет ҳосил қилувчи вакцина кашф қилишдир.

Илм сарҳадсиз, унинг ижобий кашфиётлари ҳамиша халққа қудрат, жамият ва давлат ривожига устиворлик касб этади, тараққиётга илмдан борилади. Кашфиёт инсонларни, жамият ва давлатни, дунёни ҳам асрайди, мен шунга ишонаман. Фақат улар қоғозда қолиб кетмаслиги, элга етиб бориши керак.

Суҳбатдош: Дилором ҚЎЗИЖОН

Наманган вилоятининг Наманган тумани кун-кундан чирой очиб бормоқда. Янги қурилган иншоотлар, йўллар, павильонлар ободлиги яшнаётган юртимизнинг бир кўрки бўлиб кўзга ташланади.

Суратда туман маркази — Тошбулоқ шаҳарчаси.

Т. Маҳкамов олган сурат.

Бир ўқ атрофида айланар дунё

ФАЛАСТИН МУСТАҚИЛЛИГИ ТАН ОЛИНАДИМИ?

Маълумки, Фаластин Мухторияти жаҳон харитасида мустақил давлат сифатида қайд этилмаган. Шунга кўра, АҚШ президенти Билл Клинтоннинг ўтган ҳафта бошида Ғазо минтақасига келиши ва Фаластинда бўлиши сиёсатдонлар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Негаки, ҳозирга қадар АҚШ президентларидан бирортаси ҳам Фаластинга ташриф буюрмаганди. Бу ишга илк бор Билл Клинтон жазм этди. Айрим сиёсатшуносларнинг уқтиришларича, ушбу сафар Фаластин АҚШ томонидан мустақил давлат сифатида тан олинади дейишга асос беради.

РАМАЗОНДА ИНГУШЕТИЯДА ИЧКИЛИК СОТИЛМАЙДИ

Муборак рамазон ойи бошланиши муносабати билан Ингушетия президенти Руслан Аушев Республикада алкоголли ичимликлар сотишни вақтинча тўхтатиш тўғрисида фармон чиқарди. Фармонни бузишга уринувчилар маъмурий жазога тортилади. Фармонда кўрсатилишича, бу қарор мўмин-мусулмон диндорларнинг талаб-истакларини инобатга олиб қабул қилинган.

ЕВГЕНИЙ ПРИМАКОВ ҲИНДИСТОНДА

Россия ҳукумати бошлиғи Евгений Примаков Ҳиндистонга уч кунлик сафар билан келди. Расмий хабарларга қараганда, ҳар иккала давлат раҳбарлари хавфсизлик ҳамда савдо-сотиқ масалалари бўйича музокаралар олиб борадилар.

Россия Ҳиндистон ҳарбий кучларига қурол-яроғ етказиб берувчи энг йирик ҳамкорлардан ҳисобланади. Жаноб Примаков бу ерда бўлиши чоғида Россия-Ҳиндистон ўртасидаги мудофаа соҳасида тузилган ҳамкорлик ҳақидаги шартномани яна ўн йилга узайтириш кўзда тутиляпти. Шу билан бирга ядро қуролларини тарқатмаслик ҳамда Ҳиндистоннинг ядро синовларини таъқиқлаш тўғрисидаги шартномани имзолашни рад этаётгани билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

ОСАМА БИН ЛАДЕННИНГ ЯҚИН САФДОШИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Германияда Осама бин Ладеннинг яқин сафдоши, Судан фуқароси Мамду Маҳмуд Салим қўлга олинди. У шу йилнинг август ойидан Кения ва Танзаниядаги АҚШ элчихоналари олдида рўй берган портлашларга дахлдор деб шубҳага олинган. Салим Осама бин Ладеннинг маблағлари билан боғлиқ ишларини юритган деган тахминлар бор. Нью-Йоркда Салим Америка фуқароларини ўлдириш, қурол-яроғлар, жумладан, ядро қуроли қисмлари билан савдо-сотиқ қилишда айбдор деб топиляпти. Суданли Салим тўғри, бин Ладен билан танишман, лекин у билан ҳамкорлик қилмаганман, деб турибди. Шуниси ҳам борки, Германия томон АҚШ маъмурияти айбдор қилинаётган Салимга ўлим жазоси тайин этилмайди деб ишонтиргандан сўнггина уни АҚШга жўнатишга рози бўлди.

БЕРЛИНДА ЯҲУДИЙЛАР МОЗОРИДА...

Берлиндаги яҳудийлар мозорида Германия яҳудийлари Марказий Кенгашининг собиқ раиси Хайнс Галинскининг қабри ўтган кеча портлатиб юборилди. Портлаш натижасида қабр ва унинг атрофлари вайрон бўлган. Полиция бу воқеа устида текшириш олиб боряпти. Федератив республика яҳудий жамоаларида бу олдиндан режалаштирилган антисемитизм билан боғлиқ ҳодиса деб баҳоламоқда.

ИСРОИЛНИНГ ШАРТЛАРИ

Исроил кабинети Фаластин-Исроил ўртасида тузилган тинчлик битимини токи Фаластин раҳбарлари баъзи бир зарурий шартларни бажармагунларича тўхтатиб туришни ёқлаб овоз берди. Хусусан, фаластинликлар ўзларини мустақил давлат деб эълон қилишни бироз орқароққа суришлари (Фаластин 1999 йил май ойида ўз мустақиллигини эълон қилмоқчи), қамоқларда ётган фаластинликларни озод қилиш бўйича Исроил қўйган шартларни бажаришлари ва ниҳоят, зўравонликка чақирувчи васвасаларга бутунлай барҳам беришлари талаб этилади.

АҚШ ҳукумати Исроил шу йил октябр ойида имзоланган битимлар бўйича ўз устига олган мажбуриятларни тўла бажариши керак деб баёнот берди.

Фаластинликлар эса, битим бўйича барча мажбуриятларимизни адо этмоқдамиз деб айтмоқдалар.

Агар Исроил парламенти ҳам кабинетнинг бу қарорини ёқлаб овоз берса, бу Нетаняху ҳукуматининг тинчлик сиёсати мағлубиятга учрашидан дарак беради. Жаноб Нетаняху агар шундай бўлган тақдирда, муддатидан илгари сайлов ўтказиш ҳақида эълон қилмоқчи.

«Ўзинфо» хабарлари асосида «МТ» учун тайёрланди

Фалсафий гурунглар

ЗИЁЛИЛАР ВА ЖАМИЯТ

Инсоният тарихида шундай даврлар бўладики, унинг ҳар лаҳзаси, ҳар дақиқаси баъзан асрларга татийди. Масалага шу жиҳатдан қараганда, ниҳоясига етаётган асримизнинг сўнгги 15 йиллиги ҳам башарият ҳаётида унутилмас воқеа-ҳодисаларга бой босқич бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ. Негаки, айнан шу вақт оралиғида неча ўн йиллар дунёдаги энг қудратли мамлакат деб таърифланган, ҳудудий жиҳатдан Ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган собиқ Совет Иттифоқи батамом емирилди. Унинг таркибига зўрма-зўраки киритилган ўн беш жумҳурият ўз мустақиллигига эришди. Шунга кўра, салкам 70 йил мобайнида шаклланган шўроча дунёқарашларимиз, омонат тасаввурларимиз парчаланиб, бизни ғафлат уйқусидан уйғотди. Барчамизни Истиқлол ва Мустақиллик, Озодлик ва Тенглик, Эрк ва Ҳуқуқ каби буюк неъматларни теран англашга, миллий-тарихий қадриятларимизни, умри боқий урф-одатларимизни қадрлашга, ўзлигимизни танишга ундади. Росмана тараққиёт учун имкониятлар эшигини кенг очиб, ҳур ва озод Ватанни жаҳон айвонига олиб чиқиш учун шарт-шароит яратди.

Зеро, эндиликда биз эски сиёсат ва мафкурадан воз кечиб, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган янги демократик жамият қуриш учун интилмоқдамиз. Кўзланган эзгу ниятнинг қай даражада амалга ошиши эса, турган гап, ҳар бир шахснинг, ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг, миллат ва халқнинг сиёсий маданияти ва мафкурасига, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил равишда баҳо бера олиш қобилиятига, ҳаётий ўзгаришларни нечоғли чуқур таҳлил қила олишига, энг муҳими, келажакни олдиндан кўра билишига боғлиқ. Кишиларда бундай хислату фазилатларни шакллантиришда, амалга оширилаётган ишлар самарасига ишончини мустаҳкамлашда зиёли аҳлининг хизматлари катта бўлади. Чунки зиёлилар ўқимишли, илм-маърифатли кишилар гуруҳи бўлиб, ҳар қандай даврда ва ҳар қандай тузумда аҳолининг энг илғор, етакчи кучларидан ҳисобланиб келганлар ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоладилар.

Табиий, энди ўз-ўзидан ҳақли бир савол туғилади: хўш, зиёлилар аслида кимлар, нима учун турли давлатлар ва мамлакатлар тараққиётга эришиш йўлида уларнинг куч-имкониятларидан унумли фойдаланишга интиладилар?

Бу саволга аниқ ва жўяли жавоб топиш учун, бизнингча, мозийга чуқурроқ назар ташлаш ҳамда зиёлиларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги хилма-хил фикр-хулосаларга холисона баҳо бериш фойдадан холи бўлмайди. Сабаби, жамиятшунослар бу борада ҳозирга қадар якдил ва қатъий тўхтамга келганлари йўқ. Бир гуруҳ тадқиқотчилар зиёли аҳлининг вужудга келишини фақат ишлаб чиқаришнинг моддий ва маънавий турларга ажралиши билан боғлайдилар, бошқалари ўз фикрларини исботлаш илинжида меҳнат тақсимотининг юзага келишини, аниқроғи, унинг жисмоний ва ақлий жиҳатларга бўлинишини далил сифатида келтирадилар. Учинчи гуруҳга мансуб олимлар эса, зиёлиларни шакллантирган бош омил хусусий мулкнинг пайдо бўлишига дахлдордир деб ҳисоблайдилар...

Аслида-чи?

Кўҳна тарихдан маълумки, минг йиллар давомида одамлараро меҳнат тақсимоти бўлмаган. Жисмоний ва ақлий меҳнат моҳиятан ҳамиша яхлит, айни чоғда, кўп қиррали ижтимоий ҳодиса сифатида тирикликнинг асосий воситаси ҳисобланиб келган. Бу инкор этиб бўлмас тарихий ва чўнг ҳақиқатдир. Шу боис асрлар оша моҳияти ўзгармаган ва ўзгармайди ҳам. Демоқчимизки, ҳеч қачон, ҳеч бир жамиятда жисмоний меҳнат ақлий меҳнатсиз, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатсиз мавжуд бўлолмайди. Фақат фарқи шуки, икки кўринишдаги ягона меҳнатнинг объекти — бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган жиҳатлари ҳам, субъекти — бизнинг борлиқ дунёни идрок этишимизга тааллуқли қирралари ҳам ўзига хос, яъни алоҳида-алоҳидадир.

Энг содда ва оддий иш қуролларига эга ибтидоий жамоа тузуми даврида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш бир меҳнатга асосланганди. Шу боис кишиларнинг ижтимоий гуруҳларга қутбланиши содир бўлмади. Улар меҳнат жараёнида ҳам жисмоний, ҳам ақлий ишларни бажарардилар. Узоқ давом этган бундай оддий турмуш тарзи маънавий-ақлий мулкнинг мустақил ижтимоий ҳодиса сифатида ажралиб чиқишига имкон бермади. Кейинчалик кишилик жамиятининг узлуксиз тараққий этиши туфайли ишлаб чиқариш воситалари такомиллаша бошлади. Бу вазиятни ўзгартирди. Ўз навбатида ишлаб чиқариш кучларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Шу асно ақлий меҳнат ижтимоий ҳаётнинг мустақил ажралмас таркибий қисми сифатида шакллана борди. Яна ҳам аниқроғи, бу ҳол кишиларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан гуруҳларга ажралиши билан бир қаторда, меҳнатнинг жисмоний ва ақлий қисмларга тақсимланишига ҳам сабабчи бўлди. Яратилган жамики моддий бойликлар кишиларнинг умумий мулки деб тан олингани сингари, ишлаб чиқариш ютуқларининг вужудга келишига туртки бўлган, яъни ақл-идрок маҳсули сифатида олға сурилган ғоялар ва илм-фан ҳам жамият мулки деб ҳисоблана бошлади.

Сирасини айтганда, зиёли аҳлининг келиб чиқиши ҳам, уларнинг сафи миқдор ва сифат жиҳатидан ўсиб бориши ҳам ишлаб чиқаришнинг маънавий мулкка эҳтиёжи ила алоқадордир. Демак, ҳар қандай жамиятнинг равнақ топишини, илм-фаннинг, маънавият ва маърифатнинг ҳамда иқтисодиётнинг ривожланишини зиёлиларсиз тасаввур қилиш амри маҳол.

Таассуфки, баъзи бир «даҳо»лар зиёлиларнинг жамият тараққиётидаги мавқеини аниқлашда ҳаёт ҳақиқати билан ҳисоблашмай келдилар. Масалан, «йўқсиллар йўлбошчиси» В. И. Ленин «Мен интеллигенция сўзини немисчадан барча маълумотли кишиларни уюштирувчи, эркин ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ва жисмоний меҳнат кишиларидан фарқ қилувчи ижтимоий гуруҳлар деб таржима қиламан», деганди. Унинг қатъий уқтиришича, зиёли ҳеч вақт мустақил иқтисодий синф бўлмаган, сиёсий кучга ҳам эга эмас. «Зиёли, — деб қайд этганди «доҳий», — бирор синфга дум бўлмаса, унинг қиймати нўлга тенгдир».

Ҳеч кимга сир эмас, шўро тадқиқотчилари ўз изланишларини ана шу «мутлақ, буюк таълимот» асосида олиб боргандилар. Зиёли тушунчасининг моҳиятини бирёқлама, юзаки талқин қилгандилар. Марксизм-ленинизм асосчилари асарларидаги, комфирқа ва шўро ҳукумати раҳбарлари нутқларидаги «ғоя»ларни бот-бот қайта «исботлаш»дан нарига ўтолмасдилар. Оқибатда зиёлиларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини энг қуйи поғонага тушириб қўйгандилар. Бу янглиғ қарашлар ҳақиқатдан нақадар йироқлигини, илмий нуқтаи-назардан асоссиз эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Маълумки, ҳуқуқий мезонларга асосланган демократик жамиятни барпо этиш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Мақсадга эришиш учун, аввало, кишиларнинг тафаккурини ўзгартириш, сиёсий маданиятини ўстириш лозим. Бу вазифаларни ижобий ҳал этишда, гарчи масаланинг ўзига хос иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатлари бўлса-да, зиёлиларнинг ўрни ҳам беқиёс аҳамият касб этиши тайин. Негаки, зиёлилар мавжуд муаммоларнинг туб сабабларини ва уларни бартараф қилишнинг йўл-услубларини бошқаларга нисбатан теранроқ тушунадилар. Бунданам муҳими, донолар мулки бўлмиш илм-маърифат соҳиблари ҳисобланадилар. Ўзбекистон юртбошиси Ислом Каримов янги жамият қуришда зиёлилар хизмати катта бўлажагини назарда тутиб, 1994 йили чоп этилган «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» асарида шундай деб ёзганди: «Биз бугун мустақил давлат қураяпмиз. Илму фан тараққиёти биз учун энг устувор йўналишлардан биридир. Бу соҳада хизмат қиладиган одамларнинг савияси, обрўси ҳақида ғамхўрлик килишимиз, уларнинг тараққиётимизга қўшадиган ҳиссасига қараб, эътибор беришимиз шарт. Ўзининг келажагини ўйлайдиган жамият, давлат, авваломбор, ўз олимларини, илм-зиё аҳлини ҳурмат қилиши керак, уларни юксак даражага кўтариши лозим. Модомики, илм-зиё аҳли биздан кўпроқ биладиган, узоқроқни кўрадиган, теранроқ ўйлайдиган кишилар экан, уларнинг жойи тўрда бўлиши керак».

Бизнингча, бу гапларга қўшимча қилишнинг ҳожати йўқ. Чунки унда зиёлиларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш ва янги жамият бунёд этишдаги мавкеи мантиқан ўз ифодасини топган. Зиёлилар фақат ғоя берибгина қолмай, уни ижтимоий ҳаётда моддийлаштириш учун халқ оммасини уюштиради, аниқ мақсад сари йўналтиради. Бас, шундай экан, зиёлиларнинг бугунги асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат бўлмоғи керак? Шубҳасиз, улар хилма-хил. Биз фақат энг муҳимларини яна бир бор эслатиб ўтишни жоиз деб биламиз. Булар:

— Фан-техника тараққиётини ва одам ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда жамиятни баркамолликка олиб борувчи илмий ғоялар яратиш, шу тариқа маънавий мулкни янада бойитиш, уни амалиётга изчил татбиқ этиш;

— тарихий-ижтимоий тажрибаларни, табиий, фалсафий, сиёсий, иқтисодий, бадиий илмларни жамлаб, келгуси авлодга мерос сифатида қолдириш;

— ижтимоий ҳаётни бошқаришда фаол қатнашиш, миллий одоб-ахлоқ, анъана-маросимлар, урф-одатлар ва умуминсоний қадриятлар асосида фуқароларнинг сиёсий билими ва маданиятини ошириш, халқаро ва давлатлараро илмий-техникавий интеграцияни вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшиш;

— ўз сафларини қобилиятли ва иқтидорли ёшлар ҳисобига тўлдириб бориш, қарор топган анъаналардан энг фойдалиларини ва мақбулларини уларга етказиш.

Бу вазифалар зиёлилар зиммасига том маънода юксак масъулият юклайди. Биринчи навбатда, ўз соҳалари бўйича юқори билим ва малакага, собит эътиқодга эга бўлишларини тақозо этади. Боиси, Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига, уларни ҳал этиш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар, қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримиз удумларини тиклаб уларга муносиб ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда... Иморатнинг мустаҳкамлиги унинг пойдеворига боғлиқ. Пойдевор қанчалик бақувват бўлса, иморат ҳам шунчалик узоқ ва маҳкам туради. Заиф пойдевор устига қурилган ҳар қандай муҳташам бино ҳам бир марта бўрон турса, бас, ўша заҳотиёқ қулаб тушади» (И. Каримов, «Буюк мақсадлар йўлидан оғишмайлик», Тошкент, 1993 йил). Юртбоши сўзлари баайни ҳақиқат эканлигига биз 75 йил ҳукм суриб, сўнгра бир марталик сиёсий бўрон зарбига дош беролмай, парчаланиб кетган шўролар тузуми мисолида яққол ишонч ҳосил қилганмиз. Бу мустақиллик йўлига кирган, ўзлигини англаётган ҳар қандай миллат, халқ ва давлат учун энг катта сабоқдир. Ундан бошқалар қатори жамиятнинг етакчи кучи бўлмиш зиёлилар ҳам тегишли хулоса чиқариб олишлари шарт.

Бинобарин, зиёлилар ўз миллати ва Ватанининг сара гулларидир. Уларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш, истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун ғамхўрлик кўрсатиш фақат эзгуликка хизмат қилади, эл-юрт ободлигини, мамлакат тараққиётини, авлодлар келажаги порлоқ бўлишини таъминлайди. Бугунги Ўзбекистон ҳудуди ана шундай йўлдан дадил бормоқда.

Абдунаим БЕРДИШУКУРОВ

«ГУНОҲИМ НЕ ЭДИ, ОНАЖОН?»



Инсон қалби бир қарашда забт этиб бўлмайдиган маҳобатли қўрғонга ўхшайди. Кўзларимиз кўриб турган атиргуллар қанчалик нафис. Аммо одамнинг кўнгли ундан ҳам нозикроқ бўлади.

— Нега йиғлаяпти бу бола? — сўрайман энагадан.

— Аравачада ўйинчоқларини ўйнаб ўтирувди. Кўп ўтириш мумкинмас унга. Жойига ётқизгандим, йиғлаб юборди.

Энага ўйинчоқ мосламани боланинг кароватчасига ўрнатиб берганди, у йиғидан тўхтади.

Худо ногирон болага ҳам ҳис этиш, кўриш қобилиятини берган-а! Ажабланаман мен. Қорақамиш мавзеи Чимбой даҳасидаги 1-болалар Мурувват уйида уч юз ўғил-қиз тарбияланади. Улар уч тоифага бўлинар экан. Сурункали ётадиган, судралиб юрувчи ва ақли ўта заиф, телба болалар.

Мурувват уйи раҳбарининг даволаш ишлари бўйича муовини Аҳмад Мирисмоиловдан бу болаларнинг ногирон, ақли заиф бўлиб туғилиши сабабларини сўрадим.

— Бизга асосан 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган ақли заиф, ногирон ёки кейинчалик майиб бўлиб қолган болалар келади. Боланинг ақли заиф, мажруҳ бўлиб туғилишининг асосий сабаби ота-онанинг спиртли ичимлик ичишлари, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишларидир. Соғлом бола туғилиши учун, авваламбор, она соғлом бўлиши керак. Носоғлом она аъзоларидаги касаллик болага ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шунингдек, туғиш пайтидаги асоратлардан бола майиб бўлиб қолиши мумкин. Ҳомиладор аёлнинг зарарли моддалар билан ишлаши, уйидаги нотинчлик ҳам бунга важ бўлади. Яқинларнинг ўзаро қуда-андачилик қилишлари оқибатида ҳам ногирон бола дунёга келади. Масалан, бир болакай гермофродитлик (ножинслик) асорати билан туғилган. Ота-онаси туғруқхонадалик пайтидаёқ боладан воз кечишган. Кўп кузатишлар, уринишлардан сўнг бола жарроҳлик столига ётқизилди. Операция қилишда ТашМПИ, «Марказий Осиёга беғараз ёрдам» корпорациясининг ўзбек бўлими — «Кафе»нинг ёрдами катта бўлди. Натижада бола нажот топди. Ботир ўғлонга айланди.

Сурункали ётадиган болалар гуруҳига кирганимизда, қалбимни исмсиз бир туйғу чулғаб олди. Уларнинг масъум нигоҳлари «Гуноҳим нима эди, онажон?», дея ҳайқираётгандай эди, назаримда.

Олтинчи гуруҳда 40 нафар бола билан ўқув-тарбия ишлари олиб борилади. Бир бола олдимга лапанглаб келди-да, салом бериб менга қўлини узатди. Алланечук бўлдим. Унга шифо тилаб, эркалаб қўйдим.

Республикада 5 та ақли заиф болалар уйи бор. Улардан ҳомийлар ўз ёрдамларини аяшмаяпти. Биргина ушбу мурувват уйига «Шош-Транс», «Тошкентмебел», «Қизил тонг» акционерлик жамиятлари, Италия-Ўзбек пластмасса ишлаб чиқариш бирлашмаси, крамзит-бетон заводи, Темир-бетон ишлаб чиқариш заводи раҳбарияти катта миқдорда пул ёрдамини бермоқда. Сурункали ётадиган болалар гуруҳи биносини таъмирлаш учун Миллий банк бир ярим миллион сўмлик ёрдам пули ажратди.

— Ҳар бир гуруҳда 50 тадан ортиқ бола бор, — дейди директор ўринбосари Зиля Габитова. — Уларга қараш учун бир тарбиячи, иккита энага ажратганмиз. Болалар билан турли муолажалар ўтказамиз. Дам олиш, чўмилтириш хоналари бор. Икки хонадан иборат жисмоний даволаш марказимиз ҳам мавжуд. Ҳар бир хона давр талабига мувофиқ жиҳозланган. Ўқув кабинетлари, қоғоз пакетлар тайёрлаш хонаси болалар билан доим гавжум. Улар чизган расмлар республика Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази кўргазмасидан жой олган.

— Зиля Қосимовна, сир эмас, баъзан ўз боламиз учун ҳам керакли дориларни тополмаймиз. Ё топсак ҳам, олиб беришга баъзан қурбимиз етмайди. Бу ерда болалар беш маҳал тўйимли, витаминга бой овқатлар билан таъминланаркан. Турли қимматбаҳо дори-дармонлар етказиб бериларкан. Давлат ва ҳомийлар томонидан кўрсатилаётган бундай катта ғамхўрликнинг боиси нимада?

— Ишлаб чиқаришдаги ҳаракат ўзини қопламаса ҳам, давлатимиз бу масалага инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашмоқда. Токи, бу ердагилар ҳам ўзларининг инсон эканликларини ҳис этсинлар. Улар жамиятдан ажралиб қолмасликлари керак. Шунинг учун иқтисодий тақчилликка қарамай давлат ҳам, ҳомийлар ҳам ўз ёрдамларини аяётгани йўқ. Тарбиячилардан Исломова Маҳмуда, Камолова Муқаддам, энага Зурова Галина, тез ёрдам ҳайдовчиси Қодиров Султонларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Яқинда катта гуруҳ тарбияланувчиси — 18 ёшли Наташа Деминанинг никоҳ тўйи бўлди, — дея ҳикоя қилади тарбиячи Муқаддам опа Камолова. — Ошпазимизнинг ўғли онасининг олдига келиб-кетиб юриб, Наташага кўнгил қўйибди. Қурилишда ишларкан. «Волга»да куёвжўралари билан келиб, келинни олиб кетди. Наташа ҳам жуда чиройли келин бўлди-да. Бахтидан бирам хурсанд. Бизнинг ҳам қувончдан кўзларимиз ёшланди.

Мен ногирон, дунёни тушуниб етмаган меҳрталаб, шафқатталаб, ҳимоятталаб болаларга қалб қўрини бериб қараётган барча тарбиячи-ю, энагалар олдида таъзим қиламан. Юрагингиздаги меҳр қуёши ҳеч қачон сўнмасин, дейман. Савоб ишни ҳар куни қилаётган сиз азизлар эмасми?

Дилором ИСМОИЛОВА

Сабо, еткур саломимни

ҲУЖЖАТ НОРАСО БЎЛМАСИН!

Тил — миллат каби қадимийдир. У инсон яралган, ер юзида яшашга ўрганган ва кўнгил истаклари-ю ўй-фикрлари, ҳис-ҳаяжонларини ўзаро баҳам кўрмоқни истаган кезларидаёқ одам жисмига бамисоли руҳ бўлиб сингган. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, одам боласи ўзига Тангри томонидан ато этилган ақл ва унинг меваси — тил бирла дунёнинг бошқа маҳлуқотларидан ажралиб туради. Таъбир жоизи бўлса, тил инсоннинг инсонлигини белгилайдиган муҳим жиҳатдир. Расмий ҳужжатлар эса инсоннинг шахси, қолаверса, миллати, Ватани ва ҳоказолар ҳақида маълумот берувчи воситадир.

Ватан, миллат ҳақида сўз кетар экан, биз, аввало, шахсимизни тасдиқловчи ҳужжат — фуқаролик паспортимизни ҳар хил ёт таъсирлардан халос этишимиз зарур. Гап шундаки, мустақилликка эришганимизга 7 йилдан ошганига қарамай, биз ҳалиҳануз янги паспортимизга ёзиладиган исм-шарифларни ўзбекчалаштириш борасида дадилроқ иш юритмаяпмиз. Айниқса, эски паспортларни янгисига алмаштириш чоғида исм-шарифлар кўпинча русча, яъни авалгисида қандай бўлса, шундайлигича ёзилаётир. Бордию эски хатоликларни тўғриламоқчи бўлсак, минг бир жойдан қўшимча ҳужжат келтиришимизга тўғри келаётир. Шу боис мен бир таклиф киритмоқчиман. Жойлардаги паспорт столи бўлинмалари қошида махсус маслаҳатхоналар ташкил этилиб, фуқароларга йўл-йўриқлар кўрсатилса, тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилса, фойдадан холи бўлмасди. Ҳарқалай, «Тагаев»ни Тоғаев, «Исламов»ни Исломов, «Нишанбаев»ни Нишонбоев, «Хаккулов»ни Ҳаққулов, «Атакурбанов»ни Отақурбонов, «Шадиев»ни Шодиев, «Хазраткулов»ни Ҳазратқулов, «Ибрагимов»ни Иброҳимов дея ўзбекона руҳда қайд этсак, биров бизни койимаса керак.

Яна бир гап: туманлардаги паспорт столи бўлинмаларида ишлаётганларнинг ҳаммасини ҳам саводхон деб бўлмайди. Белгиланган тартибда ва миқдорда пул тўлаб, янги паспорт олаётган фуқаро расмий ҳужжатда исм-шарифининг, туғилган йили ва жойининг имловий хатолар билан ёзилганини кўрса, таъби хира бўлиши табиий. Бунга мен Жарқўрғон туманидан талайгина мисоллар келтиришим мумкин. Хато кетган паспортни яна янгиси билан алмаштириш эса осон эмас.

Демоқчи бўлганим, кимлигимиздан, қандай лавозимда ишлашимиздан қатъий назар, расмий ҳужжатларни тўлдиришда ҳушёррок бўлайлик, фуқароларимиз ҳурматини жойига қўяйлик. Тилимизга, миллатимизга содиқ бўлайлик.

Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОДОВ,
Сурхондарё вилояти

АЖОЙИБ ҚУРИЛМА

Янги қурилма қувурларнинг дарз кетган жойларини текширади.

Унинг узунлиги — 8 метр. У янги электроника билан жиҳозланган бўлиб, нефт ва газ қувурлари бўйлаб ўрмалай олади. Ўзининг 640 та ултратовуш мосламалари ёрдамида қурилма қувурларидаги занглаш белгиларини ва энг асосийси, жуда майда дарзларни ҳам аниқлай олади. «Саламандра» деб аталувчи ушбу мослама Карлоруэдаги илмий тадқиқот маркази ва фраунхофер номли институтнинг «пипертоникс» фирмаси буюртмаси асосида яратилди. У қувурлар бўйлаб бир неча кун ҳаракатлана олади. Олинган барча маълумот унинг хотирасида сақланади, сўнгра мутахассислар томонидан таҳлил қилинади.

ОЖЖИКЎЛДАГИ ХАЗИНА

Балиқни машойихлар «Луқмаи ҳалол» дейишади. Демакки, доимо сувда юрганлиги (балиқ сув билан тирик) боис балиқ ҳалол, покиза ва лаззатли неъмат. Ёинки, таъбир жоиз бўлса, балиқ — ҳаллоллик билан тирик ва у ҳалоллик рамзидир... Унинг инсон саломатлиги учун қанчалар фойдали ва зарурлиги, кўпгина касалликларга шифои азимлиги ҳақида алломалар, фозиллар, улуғ табиблар кўп таъкидлаганлар. Дейлик, сариқ касаллигига чалинган беморларнинг балиқдан шифо топишини ҳамма билади. Ёки бакра балиғи бефарзанд аёлларнинг умид чироғини ёқади. Хоразм тарафларда «Ойда балиқ, йилда калла» деган ҳикматомуз гап бор... Демак, одам йилда бир ҳўкиз ё қўй калласини, ҳар ойда камида бир бор балиқ тановул қилиб турмоғи жоиз. Бу тансиҳатлик, узоқ умр кўриш омилидир. «Би-и-ир балиқ еб «жин қочди» қилайлик», — деб туришади кишилар бир-бирига. Кўриниб турибдики, балиқ гўшти жуда тўйимли, сервитамин ва шифобахш, куч-қувватни оширадиган, инсу жинслардан асрайдиган серхосият таом.

Кўпгина одамлар қўли ишдан бўшади, дегунча балиқ овига боришади. Одам балиқ овлаётиб дунёнинг ташвишу, ғало-ғашларидан фориғ бўлади. Ҳар қанча тиконли ўйларни, ложарам оғриқларини, симиллаб турган дардларини вақтинча бўлса-да, унутади. Тиббиёт тили билан айтганда, фаол ҳордиқ чиқаради. Булут тарқаб, қуёш юз очиб, олам нурафшон бўлгани янглиғ кайфияти равшан тортади. Ақлий ва жисмоний ланжлиқдан қутилиб тетиклашади, фаоллиги ортади. Таранглашиб турган асаблари яйрайди.

Тожибой балиқчи балиқчиликнинг файзу фазилатларини теран англайди, бу касбнинг завқу гаштига тўймайди. Мана, 7 йилдирки, Шовот туманидаги «Меҳнатобод» хўжалиги ҳудудидаги саҳни 58,5 гектарни ташкил этадиган Ожжикўл кўлида балиқ етиштириш билан шуғулланади. Тожибой захкашлардан, кичик-кичик кўллару шолизорлардан чавақларни (балиқча) тутиб келтириб, ана шу кўлга қўйиб юборади, асраб катта қилади.

Тоза табиат, тиниқ ҳаволар гашти. Ўйноқи, турфа балиқларнинг сирли, кўзни тортувчи жозибаси. Балиқдан ҳам чаққон бўлсангина балиқ тутасан, ҳузур топасан...

— Кўлда сазан, зоғора балиқ, лаққа, судак, севган, оқ амур, леш, илонбалиқ, ва бошқа турдаги балиқларни етиштирамиз, — дейди Тожибой Собиров. — Уларнинг турларини янада кўпайтириш ниятидамиз.

Тожибой кечалари мижжа қоқмай кўл гирдини айланиб чиқади. Балиқларга — халқ бойлигига оқибатини ўйламай иш тутувчи, нобудгарчиликка йўл қўйувчилар зарар етказишлари мумкин-да. У табиатни, балиқчиликни жон-дилдан, балиқ сувни севгандай севади. Бу муҳаббат унда болаликдан уйғонган. Болалик чоғларида деярли ҳар куни балиқ овига борар, шу пайтларданоқ балиқчиликнинг гаштини олган, мурғак қалбнинг завқи сой сулуви — сувдай тошиб мавжланган эди. Беғубор болалик орзулари тиниқ юрагига нақшланиб қолган экан. Улар ўз рўёбини топди. Бу касб ҳам фидоийликни, кези келганда, ҳузур-ҳаловатдан кечиб, заҳмат чекишни талаб қилади. Ана шу талабларга монанд равиш қилган одамга бу касб завқу шавқ беради, тўлқинлардай жўшқин кўнгил беради. Балиққа балиқдай бўлмоқ жоиз. Тожибой Собиров тинимсиз меҳнат билан ҳар йили тонна-тонналаб сифатли балиқ етиштириб, эл дастурхонини тансиқ, лаззатли неъмат билан безайди. 1996 йилда «Соҳибкор» жамоа хўжалиги аъзоларига меҳнат ҳақи ҳисобига 7 тонна балиқ тарқатишга эришилди. 1997 ва 1998 йилларда бу миқдор янада ортди.

Тожибой Собиров етти хазинанинг бири бўлган балиқчиликни йил сайин ривожлантириб ва жамоа хўжалиги раҳбарлари-ю, меҳнат аҳлининг олқишига сазовор бўлаяпти.

— Тожибой Собиров ишнинг кўзини биладиган, уқувли, собит сўзлик, дарёдил йигит, — дейди «Соҳибкор» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Отажон Қурбонов. — Мансур ва Рашид Қутлибоевлар эзгу ишда Тожибой Собировга ҳамкору ҳамдастдирлар. Бу азаматлар Т. Собиров раҳбарлигида Ожжикўл атрофидаги ташландиқ ерларни ўзлаштириб, 2 гектар майдонда пахта, 8 гектар майдонда шоли етиштирдилар. Режадаги 20 центнер ўрнига 25 центнердан пахта, 24 тонна ўрнига 26 тонна аъло навли «қирмизидон» олдилар. Кўл шароитида эришилган бу самара қувончлидир. Экин майдонлари сифатли шудгор қилинди. Демак, келгуси йил Тожибой ва унинг ҳамкорларини қувончли натижалар кутаяпти. Бу заҳмат қояси ортидаги самарадир.

Балиқ балиқчини танийди дейишади. Эҳтимол, шундайдир, Ожжикўл сувлари остидаги хазина — «хирмон»нинг баракасини чамалаб биз ҳам бу ҳикматга ишондик.

Раҳим ОТАХОНОВ

Шогирд эҳтироми

ҲАҚИҚАТНИ ПИР БИЛГАН ОЛИМ

Асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий онг, миллий ғурур Истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга халқимизнинг Исмоил ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний, Муҳаммад ал-Хоразмий ва Форобий, Беруний ва Абу Али ибн Сино, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ва Алишер Навоий каби буюк фарзандлари асос солганлар.

Ҳассос олим Иброҳим Мўминов ўз илмий салоҳиятини улуғ бобокалонларимиз қолдирган бой меросни ўрганишга ва келгуси авлодларга етказишга бахшида этган заҳматкаш инсонлардан бири эди. Албатта, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган шароитда Марказий Осиё фалсафий фикрлари, фани, адабиёти ҳамда санъатининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш, уларга илмий муносабат билдириш осон иш эмасди. Бу фақат ҳақиқий инсоннинггина қўлидан келиши мумкин.

И. Мўминовнинг илмий тадқиқотлари ота-боболаримиз яратган бой маданият, тарих, адабиёт, санъат ва илмий меросни чуқур ўрганиб, ўзлигимизни англашимизга яқиндан ёрдам беради. Олим ўзбек, тожик ва рус тилларини яхши биларди. Бу унинг адабий манбаларни чуқур ўрганишида, фалсафа ва тарихга оид янги илмий ишларни ёзишида, Ўзбекистонда янги давр фалсафасини яратишида, ҳозирги файласуфлар авлодини тарбиялаб етиштиришида жуда асқотганди.

И. Мўминовнинг аллома сифатида шаклланиши Ватанимиз бошига оғир кунлар тушган даврларга тўғри келди. 30-йиллар бошларида мамлакатимизда «социализм асослари»ни қуриш йўлида синфий кураш авж олди, «қулоқлар» синф сифатида тугатилди. Деҳқон хўжаликларини ёппасига жамоалаштириш, «маданий инқилоб»ни амалга ошириш учун кескин кураш бошланди. Хўжалик юритишни билган ва ўзига тўқ ўн минглаб деҳқонлар қатағонга учрадилар. Илғор фикрли кишилар бадарға-сургун қилиндилар. «Халқ душмани» сифатида отиб ташландилар. Шу тариқа миллий маданиятимизга қаттиқ зарба берилди. Ана шундай оғир ва қалтис вазиятда И. Мўминов бошқа олимларга қараганда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди, ўтмиш меросимизни қунт билан ўрганиб, халқимизга унинг аҳамиятини тушунтириб беришга жазм этди. 1941 йили «Гегел диалектикасининг рационал мағзи» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, маҳаллий миллат вакиллари орасида биринчилардан бўлиб, фалсафа фанидан илмий даража олишга муваффақ бўлди. Сўнгра Шарқ файласуфларидан Мирзо Бедил қарашларини тадқиқ қилишга киришди. Чунки Мирзо Бедилнинг чўнг аҳамиятга молик мероси кейинги даврларда Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий тафаккури ривожига ижобий таъсир кўрсатган эди.

1943 йили Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил бўлгач, И. Мўминов унинг мухбир аъзоси этиб сайланди. Бу домла амалга ошираётган ишларнинг эътироф этилиши эди. 1955 йили олимнинг «XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти тарихи» номли монографияси эълон қилинди. Асарда Туркистоннинг Россия мустамлакасига айлангандан кейинги даврдаги маданий ҳаёти, мафкураси, ижтимоий-сиёсий дунёқараши ўз ифодасини топган эди.

И. Мўминов ўта изланувчан, тиниб-тинчимас олим бўлгани боис тарихимизнинг кам ўрганилган ёки нотўғри талқин этилган, баъзан эса ғараз мақсадда унутиб юборилган саҳифаларини ёритишни ўзининг ватанпарварлик бурчи деб билар эди. 1966 йили Москвадаги «Билим» нашриёти томонидан олимнинг «Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари» китоби чоп этилди. Бу асар нашр этилишидан асосий мақсад Марказий Осиёнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг буюк алломалари инсоният тараққиётига нечоғли катта ҳисса қўшганликларини кўрсатиб бериш эди.

Иброҳим Мўминовнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги энг буюк хизмати, Амир Темур ва темурийлар даврини жуда синчиклаб ўрганишга жазм этгани ҳамда бу борада салмоқли изланишлар олиб борганидир. Ҳолбуки, бу мавзу собиқ совет тоталитар тузуми «қора рўйхати»га кирган ва таъқиқлаб қўйилганди. Амир Темур шахсини саводсиз, каллакесар, қароқчи, босқинчи, истилочи сифатида қоралаш авж олганди. И. Мўминов бундай ўта салбий, нохолисона баҳога қўшилолмас эди. Шу сабабли тарихий далилларга, манбаларга таянган ҳолда, соҳибқироннинг буюк хизматлари, истеъдоди, қобилияти ва адолатпарварлигини исботлаб беришга ҳаракат қилди, «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» номли рисоласи орқали бу ишнинг уддасидан чиқди ҳам. Амир Темурнинг буюк ва олижаноб инсонлигини у барпо этган иншоотлар тимсолида кўрсатиб, «Темур Самарқанддаги аҳволни бутунлай ўзгартириб юборди. У Самарқандда Кўксарой, Бибихоним масжиди, Шоҳи Зинда мақбарасини, Самарқанд атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав каби боғ ва саройларни қурдирди. Йўллар қуриб, Кўҳак-Зарафшон дарёси орқали кўприклар солинди. Шунингдек, кейинчалик Амударё ва Сирдарёга кўприклар қурдирди. Тошкент атрофига каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга ҳам канал ўтказилди. Шаҳар типидаги Оҳангарон қишлоғи қурилди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда карвонсаройлар ва бошқа қурилишлар билан бирга ирригация иншоотлари қад кўтарди», деб ёзган эди.

Ёдингизда бўлса, юртбошимиз Ислом Каримов шу йил бир гуруҳ тарихчи олимлар ва бошқа зиёлилар вакиллари билан бўлган учрашувда шундай саволни ўртага ташлаганди: «...Давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билиш керакми-йўқми? Яъни юртимизда фаол меҳнат қилаётган муҳтарам академиклар, олимлар, адиблар, ноширлар, авваламбор, тарихчиларимиз биргалашиб мана шу саволларга жавоб топиши керакми-йўқми? ...Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда бизда чуқур асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндошув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, йирик концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур». Ҳозирги олимларимиз олдига қўйилган бу янглиғ вазифаларни қандай адо этиш лозимлигини Иброҳим Мўминов 30 йил муқаддам амалда исботлаб берганди. Бас, шундай экан, олимнинг Марказий Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккури тараққиётини ўрганишга ва таҳлил этишга бағишланган асарларини қайта нашр этиш ёш авлодга тарихдан тўғри сабоқ беришда, ўзлигимизни англаб етишимизда жуда асқотишига шубҳа йўқ.

Файласуф Иброҳим Мўминов юксак маънавият эгаси эди. У бутун умри давомида одамларга эзгулик тарқатиш нияти билан яшади. Нима ҳақда ёзмасин, кўз олдида ҳамма вақт одамлар турарди. «Ўзбекистонда XIX аср охири ва XX аср бошларида ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиши тарихидан» номли йирик илмий иши унинг фаолиятида салмоқли ўрин тутади. Туркистоннинг гўёки Россияга қўшиб олинганлиги ҳақидаги фикрлар кенг тарғиб қилинаётган шароитда И. Мўминов тарихий ҳақиқатга содиқ қолган ҳолда очиқдан очиқ «XIX асрнинг 60-90-йиллари давомида рус чоризми Ўрта Осиёни забт этди ва унда мустамлака тартибини ўрнатди. Чор ҳукумати Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини номигагина сақлаб қолиб, амалда бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди. Мана шу даврда Ўрта Осиёнинг меҳнаткаш оммасини эксплуатация қилиш кучайибгина қолмай, балки миллий-мустамлакачилик зулми ҳам ўрнатилди», деб ёзди. Тоталитар тузум ва «катта оға» ҳурматини жойига қўйиш сиёсатга айланган бир вақтда бундай илмий асосли хулосаларни рўй-рост айтиш ўзига хос катта жасорат эди.

И. Мўминов олижаноб инсон, жонкуяр устоз, адолатли раҳбар бўлиш билан бир қаторда, ўзига ва бошқаларга ҳам ўта талабчан, мустаҳкам иродали аллома эди. Айниқса, ёшларга ёрдам қўлини чўзишга доимо тайёр турар, ночорларга кўнгилчан, эътиборли, бағрикенг эди. Шогирдларини фан ва тадқиқотлар оламига қаттиққўллик билан олиб кирар, баъзан фақат фалсафадан эмас, ҳаётдан ҳам сабоқ берарди. Уларни бирор юқорироқ лавозимга тавсия қиладиган бўлса, «Раҳбар уч масалада қатъий бўлиши керак. Булар ишда ҳалоллик, ростгўйлик ва изчил фидоийликдир. Шуларни ўзига қатъий шиор қилиб олган бошлиқнинг иши завол топмайди. Сен бирор жамоага раҳбар этиб тайинланар экансан, давлат молиявий ишларида ўта ҳалол бўлишга интил, жамоа ва давлат ҳақини ўз нафсинг йўлида талон-тарож қилишга йўл берма, ўзингни ундан эҳтиёт қил. Жиғилдон нафсига берилган раҳбар, сўзсиз, эртами-кеч ёмон йўлларга кириб кетади, эл-юрт орасида обрў-эътиборини йўқотади. Раҳбар ўзига ишониб топширилган вазифа жуда катта масъулият эканлигини ҳеч қачон унутмаслиги лозим», дея маслаҳат берарди.

Сўзи билан иши бир аллома Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти лавозимида ишлаган йиллари ўзининг олимлик, раҳбарлик, ижодкорлик фазилатларини, ноёб истеъдодини янада ёрқинроқ намоён этди, бу соҳалардаги улкан тажрибасини юзлаб шогирдларига ўргатди ва халқимизга мерос қолдирди.

Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг
мухбир аъзоси

Моҳи Рамазон ўқишлари

КАБИРА ГУНОҲЛАР

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қилурким, Расулуллоҳ (С. А. В.)дедилар: Кабира гуноҳлар (буюк гуноҳлар) Аллоҳга ширк келтириш, ота-она томонидан оқ бўлиш, одам ўлдириш ва ноҳақ онт ичишдан иборатдир.

Аллоҳнинг элчиси Ҳазрат Муҳаммад (С. А. В.)га инсонларни тўғри йўлга бошлаб, уларни барча олий фазилатларга эришиш, разолатлардан (разиллик ва пасткашликлардан) узоқлашишга чақириш вазифаси топширилган эди. Қуръони Каримнинг кўп оятларида ушбу вазифага ишора қилинган.

Фазилат ва разолат бирбирига қарши турган икки тушунча бўлиб, уларни ўзаро ажратиш борасида мутафаккирлар турлича фикр билдириб, турлича меъёрларни таклиф этганлар. Шулардан бири буюк файласуф Суқрот (милоддан аввалги 470—399 йиллар) нинг Авсот (Ўрталиклар) назариясига биноан, ахлоққа тегишли ҳар бир амалнинг ифрот ва тафрийт томонлари (ўртача ҳаддан юқори ва ўртача ҳаддан қуйи томонлари) разолат бўлиб, ўртача ҳадди фазилатдир. Масалан «Таҳаввур», яъни ҳаддан ортиқ ҳиссиётга берилиб, ҳеч қандай шароитни назарда тутмасдан можароли ишларга қўл уриш оқибатида ўзини ва бошқаларни хавф-хатарга қўйиш, шунингдек, «Жубн», яъни ҳаддан зиёд қўрқоқлик туфайли ҳеч бир ишга журъат этмаслик разолат ҳисобланса, бу икки жиҳатнинг ўртача ҳадди — »шижоат» фазилатдир.

Шунингдек, ҳаддан ошириб хўжакўрсинлик учун исрофгарчиликка йўл қўйиш ёки имсок (мумсиклик), яъни очкўзлик билан хайру эҳсондан қўл тортиш разолат бўлса, уларнинг ўртача ҳолати (саховат), яъни Аллоҳ розилиги ва мустаҳиқ инсонларни қўллаш учун хайру эҳсон қилиш фазилатдир.

Суқротнинг бу назарияси амалий ҳикматнинг бир қисми бўлмиш «Илмул-ахлоқ»да ўвига хос аҳамиятга эга бўлса-да, айрим олимлар баъзан унга танқидий нуқтаи назардан ёндашганлар.

Ислом шариатида эса, инсон туғилиб ўсиб ҳаётдан кўз юмгунча унинг барча хатти-ҳаракати учун йўлланмалар берилиб, ҳар бир амал Яратувчининг олдида қанча аҳамиятга эга эканлиги бешта миқёс (ўлчов) ёки бешта категорияга бўлинади.

1. Фарз ё вожиб, бажарилиши зарур бўлиб Қуръон, Сунна ё ижмоъ орқали аниқланган амаллар. Масалан, амалий ибодатлар, ўлка хавф остида қолган чоғларда уни мудофаа қилиш...

2. Суннат, маснун, мандўб ё мустаҳаб, бажарилиши тавсия этилган мақбул ва эзгу ишлар. Чунончи, турмуш қуриш, садақа бериш, хайру эҳсон этиш ва ҳоказолар.

3. Жоиз ё мубоҳ: бажарилишга рухсат берилган ва инсоннинг ўз ихтиёрида бўлган ишлар. Жумладан, истаган касби билан шуғулланиш, хоҳлаган фанини ўрганиш, истаган жойида истиқомат қилиш.

4. Макруҳ, рад этилган ёқимсиз ишлар. Айтайлик, ҳайвонни ўтмас пичоқ билан сўйиш, турган ёки оқарсувга шипириндини ташлаш, экология ва йўллар покизалигини бузиш кабилар.

5. Ҳаром, қатъий суратда манъ этилган ёмон ва нафратли ишлар. Масалан, одам ўлдириш, ўғрилик ва босмачилик, ватанга хиёнат ва ўлка хавфсизлигини бузиш.

Биринчи ва иккинчи категориядаги амалларнинг барчаси хайрли ишлар бўлиб, уларнинг бажарувчиси Яратувчи розилигига ва турли савобларга эришади. Учинчи категориядаги амаллар мужоз, яъни рухсат берилган ишлардан иборат бўлиб, уларни бажариш ёки бажармаслик ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ.

Тўртинчи категориядан гуноҳ чегараси бошланиб, бешинчи категорияда ўз ниҳоясига етади. Макруҳ доирасига кирадиган ёқимсиз ишлар ахлоқ ва одобга хилоф қилмишлардан ҳисобланади. Хавфли бўлмаса ҳам, гуноҳдир.

Бешинчи категория барча нораво ва таъқиқланган ишларни қамраб олади ва умуман, разолат доирасига киради.

Шариат бўйича умумий суратда журм ё гуноҳ икки турга бўлинади. Биринчиси — кабира гуноҳлар ё кабоир (катта гуноҳлар), иккинчиси — сағира гуноҳлар ё сағоир (кичик гуноҳлар).

Кабира гуноҳлар ё кабоир ёмон ва катта гуноҳлардан иборатлиги учун нас, яъни оят ёки ҳадис матнида қораланиб, жазоси белгиланган бўлади. Гуноҳнинг зарари қанча кўпроқ бўлса, ўшанча кабира ҳисобланади. Масалан, йўлтўсарлик, қароқчилик, қатл ва ҳоказолар. Буларнинг ҳаммаси учун бу дунёда оғир жазолар тайинланган. Охиратда ҳам катта азоб-уқубатлар белгиланган. Охират азобидан фақат ўз қилмишидан пушаймон бўлган ҳолда тавба қилиб, уни такрорламасдан, Аллоҳдан кечирим сўраш орқалигина қутулиш мумкин.

Сағира гуноҳлар ёки Сағоир (кичик гуноҳлар) нисбий моҳиятга эга бўлиб, ўзидан юқори ва катта бўлган гуноҳларга нисбатан сағира ҳисобланади. Масалан, қатлга қараганда бировга нисбатан қўпол муомала қилиш, ўғриликка қараганда бировдан ишонч асосида олган қарзини вақтида тўламасдан ҳийла-найранг билан уни кечиктириш кабилар.

Имом Бухорий ривоят этган ҳадисда кабира гуноҳларнинг энг ёмонларидан тўрттаси зикр этилган. Булар Яратувчига шерик қоил бўлиш, яъни Унинг бирлигига шубҳа билан қараб, айрим нарсалар ёки одамларга сиғиниш ва Аллоҳга хос бўлган нарсаларни улардан талаб қилишдан иборатдир. Ширк гуноҳи ислом динининг асосий қоидаси бўлмиш ваҳдат, яъни бирликни бузиш маъносида бўлгани учун кечириб бўлмайдиган гуноҳлар жумласига киради.

Ҳадисда ота-она томонидан оқ бўлиш учун замин яратиш ҳам катта гуноҳ деб баҳоланган.

Ота-она оқ қилишига аслида боланинг амали, яъни уларга нисбатан ўз бурчини адо қилмасдан ўз алоқасини бузиши ёки уларга азият ва озорлар етказиши сабаб бўлади.

Ислом таълимотига кўра, ота-онанинг ўрни ниҳоятда юксак ва ҳуқуқи чексиз. Ҳадислардан бирида «Жаннат оналарнинг оёғи остидадур» деб таъкидланган. Қуръони Каримда «Агар улар (ота-оналар)нинг бирови ё ҳар иккаласи сенинг қўлинг остида кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма ва уларга (ҳар доим) илиқ сўз айт» (17-сура, 23-оят) дейилган. Чунки ота ва она оиланинг асосчиси ва мураббийсидир. Ҳар бир оила жамиятнинг таркибий қисмидир. Оила аъзолари орасида иноқлик, ишонч ва ҳурмат қанча кўп бўлса, ота ва она эъзозланса, оила шунча мустаҳкам бўлади, жамият мустаҳкамлиги учун таъсирчан омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳадисда зикр этилган қатл ё одам ўлдириш инсонни Яратувчи берган ҳаёт неъматидан маҳрум қилиш бўлгани учун мусулмон ҳуқуқида энг оғир ва кечириб бўлмайдиган жиноят сифатида қораланади.

Инсон ҳаётининг дахлсизлиги Қуръон оятлари, пайғамбар ҳадислари ва шариат қонунлари орқали таъминланган. Уни қасддан бузганларга мусулмон ҳуқуқида «эъдом», яъни ўлим белгиланган. Қотилни у дунёда ҳам чидаб бўлмайдиган жазолар кутади.

Тўртинчи кабира гуноҳ ҳақсиз онт ичишдан иборат бўлиб, онт ичган одамни гуноҳ дарёсига ғарқ этади.

Ноҳақ қасамхўрлик бир томондан Аллоҳ номига ҳурматсизлик қилиб, ундан нораво мақсад учун фойдаланиш бўлса, иккинчи томондан ҳақиқатга қаршилик ва воқеликни оширишга интилиш бўлади, одамларни алдаш мақсадида ишлатилгани учун буюк гуноҳ ҳисобланади.

Кабира гуноҳлар фақат Ҳадисда зикр этилган тўртта гуноҳ билан чекланмай, унинг бошқа жуда кўп турлари ҳам мавжуд. Ҳадисда, юқорида айтганимиздек, уларнинг энг ёмонларидан фақат тўрттаси зикр этилган.

Доктор Абдулҳаким Шаръий
ЖУЗЖОНИЙ

Оламга машҳур кишилар

«Аллоҳ ҳар кимга эзгулик истаса,
уни ислом динида фиқҳчи,
яъни ҳуқуқшунос олим қилади».
Ҳадиси Шарифдан

РИШТОНДАН ЧИҚҚАН АЛЛОМА

Муборак Умра зиёратини адо этиб юрган ҳожиларга индонезиялик бир фуқаро кутилмаганда шундай дея мурожаат қилиб қолди:

— Муҳтарам жаноблар, сўраганнинг айби йўқ. Сизлар қаерликсизлар, мабодо, улуғ фиқҳ олими Бурҳониддин ал-Марғиноний юртидан эмасмисизлар?

Бу саволни эшитиб вужудимни алланечук ҳаяжон эгаллади. Бу одамнинг улуғ алломамиз туфайли Ўзбекистонни билиши, бизлар билан оғаинилардек суҳбатлашиши мени ҳайратга солди. Беихтиёр одамлар орасидан олдинга ўтдим, савол берувчига ўзимни таништириб, шайхулислом аллома таваллуд топган музофотдан эканлигимни айтдим.

— Ҳозир риштонликлар бобокалонимиз вафотининг 800 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш учун катта тайёргарлик кўраяптилар, — дедим суҳбатимиз қовушгач, севинчимни яширолмай. — У кишининг мақбаралари, мозористон кўчалари обод қилинаяпти. Режамизда меҳмонларни кутиб олиш учун меҳмонхона, хиёбонлар, янги кўчалар барпо этиш каби улуғ юмушлар ҳам бисёр. Бобокалонимиз номлари билан аталувчи катта кўча бор. Бундан ташқари, нодавлат хайрия жамғармаси иш бошламоқда.

— Офарин, минг офарин! — деди хорижлик ҳожи мамнун бўлиб. — Аллоҳ насиб этса, юртингизга борармиз. Ҳозир эса, сизлар билан танишганимдан беҳад шодман. Юртимга бориб, бу ҳақда албатта дўстларимга, маҳалладошларимга гапириб бераман...

У биз билан қучоқлашиб хайрлашди. Кетаркан, вақт топсак ўзи қўнган меҳмонхонага боришимизни қайта-қайта тайинлади. Мен эса унинг ортидан қалбим ғурур ва ифтихорга тўлган қуйи қараб қолдим...

Манбаларда қайд этилишича, ислом оламида катта шуҳрат қозонган ҳамюртимиз Риштонда туғилиб ўсган. Унинг тўлиқ исми Абдул Ҳасан Али ибн Абу Бакир ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ал-Риштоний ал-Марғиноний бўлган (Ўзбек энциклопедиясининг иккинчи томида Бурҳониддин Марғиноний Али ибн Абу Бакир ал-Фарғоний ар-Риштоний дейилган). Олий ислом таълимотини Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида олган ва мусулмон ҳуқуқлари ҳанафия мазҳаби — фиқҳнинг буюк назариётчи ва амалиётчиси сифатида ном қозонган. Имомлик, қонуншунослик, ҳадисшунослик, ёзувчилик ва шоирлик билан шуғулланган. Қуръонни ёд билган ва тафсир қилган. Диний ва дунёвий билимларни тўплаб, якдил фан мақомига келтирган. Алломанинг фиқҳга оид «Бидоят ал-мубтадий» («Илмга киришувчи учун биринчи асос»), «Нашр ал-мазҳаб» («Мазҳабнинг ёйилиши»), «Китоб ал-тажнис» («Тажнис» ҳақида китоб»), «Ал-мазид» («Зиёда қилиш»), «Маносик ал-ҳаж» («Ҳаж маросимлари»), «Китоб ал-Фароиз» («Фарзлар ҳақида китоб») асарлари Шарқ халқлари орасида маълум ва машҳур бўлган.

«Бидоят ал-мубтадий» рисоласига саккиз жилддан иборат «Кифоят ал-мунтаҳий» («Илмни ниҳоясига етказувчининг қаноатланиши») номли катта шарҳ ҳам битилган. Аллома кейинчалик унинг ўрнига «Ал-ҳидоя» («Қўлланма») номли қисқа шарҳ ёзган. У ҳозиргача Шарқ мамлакатлари мадрасаларида асосий қўлланма сифатида ўқитиб келинади. Форс, инглиз, рус тилларига таржима қилинган.

Улуғ бобокалонимизнинг «Ҳидоя» асари ўзбек халқи маънавияти ва маданиятининг таркибий қисми, ҳуқуқий идрокимиз манбаларидан бири сифатида ғоят катта аҳамиятга эгадир. Негаки, Қуръони Карим ўзидан аввалги осмоний китобларни бекор қилгани каби «Ҳидоя» ҳам ўзидан аввалги ҳуқуқий китобларни бекадр қилди. Мухтасар қилиб айтганда, Бурҳониддин ал-Марғиноний ар-Риштоний асарларининг барчаси ҳозирги замон илмий тадқиқоти нуқтаи назаридан чуқур ўрганишга мунтазирдир. Мен қуйида буюк бобокалонимиз хотирасини абадийлаштириш, руҳини шод этиш борасида амалга ошираётган ишларимиз ҳақида бир оз тўхталиб ўтмоқчиман.

Риштоннинг Бурҳониддин Риштоний номи билан аталувчи бош кўчаси шаҳримизга алоҳида кўрк ва тароват бағишлаб туради. Марказдан сал қуйи юрилса, Даҳбед маҳалласидан чиқилади. Унинг қабристон ҳудудида «Соҳиби Ҳидоя» мақбараси бор. Шу мавзеда шайхул-ислом бобомиз мақбарасининг гумбазлари узоқдан мовий тусда жилоланиб кўзга ташланади.

Мақбара олдинлари одамлар эътиборидан четда эди. Мустақилликнинг иккинчи йилида риштонлик илм аҳллари, уламолар, фахрийлар, маҳалланинг фаоллари бобокалонимиз хотирасига бағишлаб катта маросим ўтказдилар. Кўпчилик бир овоздан мақбара бунёд этишга қарор қилди. Туманнинг катта-кичиги бу улуғ ишга ҳисса қўшишни ўзларининг фахрли бурчи деб билдилар. Қалъа ўрни ғишт деворлар билан ўралди. Қабр-мақбара лойиҳасини Фарғона вилояти меъморлари яратдилар.

Кўҳна қалъа ўрни ўз бағрида тарих сир-синоатларини пинҳон тутиб келмоқда. Шу боис қалъа атрофида олиб борилиши мўлжалланган археологик тадқиқотлар ўз навбатини кутиб турибди.

Ҳазрат Бурҳониддин шайхул-исломнинг киндик қони тўкилган Даҳбед маҳалласи тарихи ҳам олис мозийга бориб тақалади. Риштонлик кекса муаллим Мадамин ҳожи Бобожалолов алломанинг буюк ишларини одамлар орасида тарғиб қилишдан асло чарчамайди, Бурҳониддин ал-Марғиноний ар-Риштоний номи билан боғлиқ ҳар қандай тадбир Риштон заминидан бошланиши кераклигини мудом таъкидлайди.

Очиғи, алломанинг эски қабрларини янгилашга қўл урилганда, дастлаб одамлар сал тайсаллашди: Ахир бу кўҳна қалъа-қабристонда не-не художўй одамларнинг хоклари ётибди. Уларнинг руҳларини безовта қилиш кулфат келтирмасмикин?

Шунда кекса кулол, эскича илм соҳибларидан бири хўб маъноли маъруза қилди, мозористонни обод қилиш гуноҳ эмас, савоб иш эканлигини тушунтирди. Аллоҳдан мадад сўраб, фатвога қўл очди. Сўнг ҳашар бошланиб кетди. Эски қалъа ўрни кундан-кун ободонлашиб борди. Муҳташам дарвоза қурилиб, сержило кошинлар билан сайқалланди. Бу ишни Ўзбекистон халқ рассоми, машҳур кулол Иброҳимжон Комилов истеъдодли шогирди Ашурали Йўлдошев билан бирга бажарди. Қурувчи Мелиқўзи Ҳайдаров уларга камарбаста бўлди.



Суратда: Наманганддаги Мулла Бозор Охунд зиёратгоҳи.

Т. Маҳкамов олган суратлар.

Туман газлаштириш идораси раҳбари Набижон Омонқулов, ишбилармон савдогар Ҳамдам ҳожи Исоқов қалъа ҳудудига кичик бинолар, ёзги очиқ айвонлар қуриб беришди.

Эзгу ишдан Риштон очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, туман бадиий кулолчилик буюмлари заводи, йигирув-тўқув фабрикаси каби бир қанча корхона, ташкилот, муассасалар ҳам четда қолишмади.

Айтишларича, Самарқанддаги жаҳоншумул тарихий обидаларни қуриш ва сайқаллашда Риштоннинг Даҳбед маҳалласидан кўчирилган кулолларнинг ҳиссалари катта бўлган экан. Ўрта асрларда яшаган Самарқанд ҳукмдорларидан бири Ҳиндистон сари йўл олган пайт Риштонга тўхтаб, айни шу маҳалладаги эски қалъа сайлгоҳида тоат-ибодат қилган экан. Шунда маҳаллий кулолларнинг ҳунарига ҳавасманд бўлиб, бир неча хонадонни Самарқандга кўчиришга фармойиш берган экан. Самарқандга бориб ўрнашган кулоллар ўзлари қўним топган маҳаллани Даҳбед деб аташган экан.

Риштон, яъни Рошидон тарихини ўрганиш бизга Бурҳониддин ал-Марғиноний ар-Риштоний яшаган замон, муҳит, халқимизнинг қадимий урф-одати, маънавияти ҳамда маданияти ҳақида кўплаб маълумотлар бериши табиий. Масалан, бир ривоятда таъкидланишича, имом Бурҳониддин замонидан 300-400 йилча бурун бу ерларга осмондан бало-қазо ёғилиб, халқ кўп талофатлар кўради. Шунда одамлар бир-бирларига «Юринглар» — «Рошидон», «Кетдик бу ердан» деб кўчиб кетишган. Кейинчалик яна қайтиб келишган. Бошқа бир ривоятда айтилишича, «Рошидон» арабча сўз бўлиб «баландлик» деган маънони билдиради. У ҳатто Рошид деган одам номи билан боғлиқ деган тахминлар ҳам бор.

Яқинда туманимиз ҳокими Мурoджон Зокиров жамоатчилик вакилларини тўплаб, барчанинг диққатини «Соҳиби Ҳидоя» мақбарасини таъмирлашни охирига етказиш, аллома туғилиб ўсган шаҳарни янада ободонлаштириш муаммоларига қаратди. «Ҳамюртимизнинг табаррук юбилейларини ўтказишга катта тайёргарлик кўришимиз шарт. Чунки алломанинг қадамжоларида ҳам бу ишга астойдил киришилганлигини эшитиб турибмиз. Биз ҳаракатларимизни бирлаштириб, меҳмонларни муносиб кутиб оладиган жойлар ҳозирлашимиз даркор», — деди Фарғона Давлат университети доценти Маликжон Бобораҳимов. «Бобурнома»да Бурҳониддин ал-Марғиноний ар-Риштоний Риштон кентидан эканлиги ёзилганини эслаб ўтди. Уламолар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими Абдулазиз Мансур фиқҳшунос алломанинг ҳаёти ва фаолиятига доир кўп маълумотларни билишини айтишди. Шундан сўнг бир гуруҳ вакиллар Тошкентга бориб, Абдулазиз Мансур билан учрашдилар. У алломанинг ҳозирда пойтахтдаги Қўлёзмалар институтида сақланаётган асарлари билан бизни таништириб боришга ваъда берди.

Туман ҳокимлиги қарорига кўра, Бурҳониддин Марғиноний номидаги Риштон нодавлат хайрия жамғармасининг тузилиши бошланажак тарихий ва хайрли ишларнинг дебочаси бўлиб қолса, ажабмас. Ҳозир ушбу жамғарма раиси Шерали Мирзаолимов шу ерлик одамлар орасида юриб, тарихий ҳужжатларни тўпламоқда.

Биз яқин йиллар орасида аллома юбилейи ЮНЕСКО доирасида ўтказилишига ҳам умид боғламоқдамиз. Шу муносабат билан Риштондаги катта қурилишларни, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш дастурларини ишлаб чиқишни тезлаштириш ниятидамиз.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
Риштон тумани ҳокимининг
ўринбосари

Мусаввир ва тасаввур

ҚАЛБГА ТУТАШ СУВРАТЛАР

Эркин Валиев 4 ёшидаёқ рассомликка астойдил меҳр қўйди. Мурғак қалбнинг тоза орзулари турфа суратларда акс эта бошлади. Орзулар ҳаётга айланиш тараддудида уни 1954 йил П.П.Беньков номидаги рассомчилик мактабига етаклади. Ёш рассом бу даргоҳда Уста Ширин домланинг шогирди — Ўзбекистон халқ рассоми Тойир Тўхтахўжаевдан рассом-наққошчилик касбини қунт билан ўзлаштирди. 1959 йил мактабни аъло баҳолар билан битириб, устозлари томонидан «уста наққош» номини олганидаги ҳаяжонини, кўп ишлар қилишга ошиққанини, улуғ санъат жозибаси ва ҳайратини ҳис қилганини рассом яхши эслайди.



У илк фаолиятини Бадиий адабиёт нашриётида бадиий муҳаррирлик қилишдан бошлади. 1960 йилдан эса ўзи мустақил равишда китоб муқовасини безашга киришди. Узоқ йиллар давомида кўплаб нашриётларда бадиий муҳаррир, бош рассом вазифаларида ишлади, «Муштум», «Гулхан», «Ғунча» журналларида ҳам ўз асарлари билан чиқишлар қилди. Нашриётда ишлаган кезлари мактабгача ёшдаги болалар адабиётларини мукаммал ўрганди, рассомларнинг муқоваларга чизган асарларини кўздан кечириб, ижодий таҳрир қилди. Шу билан бирга, ўзи ҳам ўнлаб муқова суратлари ва иллюстрациялар ижод қилди. Нашриётда биринчи бўлиб орнамент наққош сифатида «Ўзинг бўя» китобини яратди. Эвазига Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.



Давр тақозоси билан қатағон йилларининг аччиқ ҳавосидан Э.Валиев ҳам «нафас олиш»га мажбур бўлди, 13 йил ишсизлик азобини тортди. Тошкент нашриётларида штатсиз рассом вазифасини бажариб юрди.



Юртимиз истиқлолга эришгач, у кунлар ортда қолиб, рассом яна ижодга қайтди. Лотин ёзувига асосланган «Кичкинтойлар алифбоси» китобига ишланган суратлар муаллифи Э.Валиев эканлигини унинг ўзига хос услуби билан таниш санъатсеварлар бир кўришдаёқ англайдилар.

Кичкинтойлар китоб-наққоши Эркин Валиев 39 йиллик ижодий меҳнат фаолияти давомида муқова, плакат, проспект, расмлар — жами 530та безалган китоб чоп эттирди. Биз яқинда қутлуғ 60 ёшини нишонлаган теран истеъдод эгаси Эркин Валиевга узоқ умр тилаш билан бирга ундан янаям ранг-баранг асарлар кутиб қоламиз.

Шерали НИШОНОВ

ТУРКИСТОНДА ИЧКИЛИК

Бу оғуни бизга кимлар, қандай мақсадда «тортиқ» этганди?

Шўролар Туркистонда ўз ҳукуматини ўрнатгач, маҳаллий халқни тобе, онгсиз ҳолда сақлаш учун турли усулларни қўлладилар. Шулардан бири умрнинг эгови ҳисобланмиш ичкилик эди.

Ичкилик маҳаллий халқни қарамликда сақлашнинг энг синалган ва арзон усули бўлиб, кишиларни обрўсизлантиради, турли балоларга гирифтор қилади, отани болага, акани укага қайрайди. Дунёдаги фожиаларнинг 80 фоизи ичкилик туфайли содир бўлади. Буни яхши билган шўролар 20-30-йилларда Туркистонни ичкиликнинг турли хиллари билан тўлдириб ташладилар. Баҳоларини ҳам нисбатан арзон белгиладилар. Содда халқимиз бу «бағрикенглик»нинг туб моҳиятини англамай, ичиш ҳадисини олди. Ўзбеклардан ҳам тузуккина ароқхўр, пиянисталар етишиб чиқди. Бундан руҳланган шўро ҳукумати авваллари «обизамзам»ларни асосан Россиядан келтирган бўлса, кейинчалик Туркистонда ароқ ва вино заводлари, пиво ишлаб чиқарадиган корхоналар қура бошлади. Юртимизда ичкиликбозлик борган сари авж олди. Кўп йиллик «стаж»га эга пиянисталар ҳозирги Алишер Навоий театри ёнидаги машҳур Пиёнбозорни яхши эслашади. 20-30-йилларда бу ерда турли ичимликлар сотадиган дўконлар бўлган. Маҳаллий миллат вакиллари орасидан чиққан ичкилик шайдолари ҳам бу ерда роса яйрашган. Аммо қалби уйғоқ маърифатпарварларимиз «арзон» оғунинг зарарини тезда англаб етганлар. У халқни хароб қилиб, фожиага олиб боришини яхши тушунганлар. Шу сабабли матбуот саҳифаларида ичкиликнинг зарари, у келтираётган кулфатлар ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилганлар. Мана, ўшандай чиқишлардан бири:

ИЧКИЛИК АВЖ ОЛДИ

Ҳозирда бизнинг Чимкентда баъзи бир пиянисталаримиздан тортиб қора халқни оқартурғувчи ўртоғларимизғача ичкилик билан мубтало бўлғонлар. Замонамиз тараққий қилиши лозим бўлғон маданият ва маориф ўрниға тескарича ичимликни тараққий қилиши истиқболимиз учун хавфлидир. Бир киши» («Туркистон», 1924 йил 25 ноябр).

Шўро ҳукумати ичкиликни янада кўпайтириш учун катта-кичик шаҳарларда турли хил ароқ дўконлари оча бошлади. Бироқ зиёлиларимиз ҳам тинч турмадилар. Матбуот саҳифаларида «Мaориф жойларида пивохона» («Туркистон», 1924 йил, 28 август) каби мақолаларни чоп эттириб, халқни ҳушёрликка чақирдилар. Бироқ ичкилик ичиш халқимиз орасига шундай ёйиладики, айрим домлалар ҳам бу нарсадан ўзларини тия олмадилар: «Тошкент уйази Тувак мавзеидаги домла-имом эски мактаб тутиб келар эди. Қишлоқ халқининг домлаға ихлоси баланд эди. Домланинг ичкилик ичиб қилғон бемазачилиги газетада босилиб чиққандан кейин кўп оталар болаларини эски мактабдан олиб янги мактабга юбормоққа ўйлай бошладилар. («Туркистон», 1924 йил).

Шўро ҳукумати кишиларни имонсиз, эътиқодсиз қилиш, уларни диндан қайтариш мақсадида мачит, мадраса, муқаддас жойларда ароқ заводлари барпо эта бошладилар. «...Амир Темур мақбарасининг ўз даврида бир томони катта боғ, «Руҳобод» мажмуасига туташ, иккинчи томони эса очиқ майдон бўлган. Мақбаранинг ўнг томонидан катта чашма қайнаб чиққан, халқ уни кўҳак суви деб атаган. Чашманинг суви жуда ширин, ичсангиз, таъми оғизда қолади. Аммо шўро замонида, аниқроғи, 30-йилларда мана шу чашманинг устига вино заводи қурилди: кейинчалик у ароқ заводига айлантирилди ва шу бўйи қолиб кетди. Бу ёғини энди ўзингиз тасаввур қилинг: шундай муқаддас хилхона ҳар хил қаланғи-қасанғи мастаַластларнинг маконига айланиб қолган. Аслида ароқ заводи ҳам шундай нопок ниятда мақбарага тиркаб қурилган эди... («Ҳуррият», 1998 йил 30 сентябр).

Шўро ҳукумати кишилар сиёсий онгини билиш борасида ҳам ичкиликдан унумли фойдаланган. Бир мисол: 60-70-йилларда ушбу сатрлар муаллифи пахта мавсуми чоғи илмий ходимларга бригадирлик қилган. Сопини ўзидан чиқаришга устаси фаранг идора илмий ходимларимиздан бирини ўзига аъзо қилиб олган экан. Бир куни ишдан вақтлироқ келиб, ош қилдик, жамоат жам бўлди. Ошдан олдин қиттак-қиттак отдик ҳам. Ҳалиги ёлланган «агент» биз билан бирга ичди. Сўнгра пахта териб чарчаган ходимларимизга сиёсат билан боғлиқ бир латифа айтди. Ходимларимиз бу латифани давом эттира бошладилар. «Агент» дастурхон тагига овоз ёзиб олувчи кичик мослама қўйиб қўйган экан. Орамиздаги ҳушёррок бир дўстимиз уни олиб отиб юборди. Шу билан ҳамма ҳушёр тортди. Ош ҳам совиди, суҳбат ҳам.

Кўринадики, ичимлик кишиларни турли балоларга гирифтор қилади. Шу боис ундан иложи борича узоқроқ юрган маъқул.

Эргаш УМАРОВ

Боболар ҳикмати

ҲАЙВОНЛАР ХОСИЯТИ

Юсуф ат-табиб ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-табиб ал-Ҳаравий XVI асрда Ҳиротда маълуму машҳур табиблардан эди. Унинг шуҳрати Бобургача етиб боргач, Бобур уни хат орқали Ҳиндистонга чақириб олган. Қуйида назмий ва насрий асарлар муаллифи Муҳаммад ал-Ҳаравийнинг «Манофиъ ул ҳаёт» («Жонзотларнинг фойдаси») китобидан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

— Кимки бўри тишини ўзи билан олиб юрса, унга ҳеч бир йиртқич ҳайвон зарар етказа олмайди.

— Агар аёлнинг ҳомиласи ўлиб қолган бўлса, ундан халос бўлиш учун сиртлон юнгини остидан тутатиш керак.

— Кимки от миясини истеъмол қилса, ахмоқ бўлади. От ёғидан малҳам тайёрлаб, жароҳатга қўйилса, тез нафи тегади.

— Тутқаноғи бор одам эшак териси устида ўтирса, тутқаноғи кетади.

— Тагини хўл қилиб қўядиган одам ёввойи эшак (қулон) ёғидан еса, дарддан халос бўлади.

— Сигир етти хазинанинг биридир. Сути ва сут маҳсулотлари дардларга даво. Гўшти семиртиради, қон оқаётган ерга пишган гўшти совутиб қўйилса, қонни тўхтатади. Тезаги илон чаққан жойга иссиқ-иссиқ қўйиб турилса, заҳар таъсир қилмайди. Шохи куйдирилиб, сиркага аралаштирилиб, эски ярага қўйилса, шифо бўлади ва ҳоказо.

— Қўй гўштидан муттасил истеъмол қилиб турган одам қувватли бўлади, кўзи равшанлашади, баданидан қуруқлик кетади. Сути овозни тиниқлаштиради, чарвиси илон ёки чаён чаққан жойга бодом ёки ўрик ёғига аралаштирилиб суртилса, фойда беради.

— Қуён қони кўзга суртилса, ёш оқиши тўхтайди, ёғи кўз қичишини йўқотади.

— Пес бўлган одам тошбақа гўштини есин.

— Кўршапалак осиб қўйилган жойга чигиртка келмайди.

Т. МИРЗАРАҲМАТОВ тайёрлади.

Дилда хотиржамлик ва сабр, танда эса ҳаракат узоқ умр кўришнинг сири бўлса, ажаб эмас. Валижон ота ҳам фарзандларига ҳамиша ана шу ўгитни бериб, ҳар ишнинг, ҳар кайфиятнинг, умрнинг боши тан-сиҳатлик эканлигини уқтиради.

Наманган вилояти, Чуст тумани, «Сабзазор» жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Сабзазор» маҳалласида яшовчи Валижон ота Ваҳобов айни пайтда табаррук 103 ёшда. Отахон меҳр билан гулдай 9 та фарзандни вояга етказдилар ва бугунги кунда 76 набира, эвара ва чеваралари ардоғида катта бир чаманнинг боғбони хоси бўлиб ўтирибдилар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

ҲАЁТДАН КЕЙИНГИ УМР

Таносух ёхуд илми ботиний уфқлари

Веҳиди шаҳри яқинидаги қашшоқ қишлоқда истиқомат қиладиган Жасбирлал Жет исмли уч яшар ҳинд боласи 1954 йили чечак хасталигидан ўлиб қолаёзган эди. У бир неча кун бетоб бўлиб ётди. Бир куни унинг нафас олиши тўхтаб, аъзои бадани муздай совиб қолди. Аммо уни дафн қилиш мўлжаллаб қўйилган эртаси куннинг тонгида майит ногаҳонда қимирлаб, ҳаракатга келди.

Бу ғаройиб воқеанинг фақат ибтидоси эди, холос. Чунки тез орада боланинг ғалати бир тарзда ўзгаргани маълум бўлди. У ёшига хос бўлмаган ёт оҳанг ва йўсинда сўзлаб, ўзини Собха Рем Тъягман, браҳманнинг ўғлиман, деб атарди. Унинг сўзларига қараганда, Собха айнан унинг ўзи ўлган маҳалда жон таслим қилган. Ва энди корачечак хасталигидан ҳалок бўлган вужудига олий мазҳаб зурриёди Собха Ремнинг жони кўчиб ўтган.

Атрофидагиларнинг истеҳзосига қарамай, бола тўғрисини айтаётганини қатъий туриб таъкидлайверди. Ўз оиласи аъзолари қўлларининг ифлослигини пеш қилиб, таом тотишдан бўйин товлади. Токи у кунларнинг бирида ўтиб бораётган нотаниш аёл Собха Рем Тъягнинг холаси эканини билиб қолмагунига қадар кўпчилик болани ақлдан озган, деб ҳисобларди. Бу рост бўлиб чиқди ва аёл боланинг даъвосини тасдиқлаб, чиндан унинг жияни боши жароҳатланиб ўлганига имон келтирди. Энг муҳим далолат шундаки, ҳар иккала бола ҳақиқатан ҳам бир кунда ва бир пайтда ўлган эди.

Кейинроқ Жасбирни ўзи айтган ва унинг аввалги ҳаёти кечган қишлоққа бошлаб бордилар. У Собха Рем Тъягнинг барча қариндошларини номма-ном айтиб берди. Боланинг эски уйи жойлашган ҳудудни ғоят яхши билишига ва акс ҳолда уни шу қадар аниқлик билан топиб олиши мумкин эмаслигига ҳамма-ҳамма иқрор бўлди.

Бу воқеа сизга бутунлай тахайюлий ҳикоя бўлиб туюлиши мумкин, албатта. Аслида бундай эмас. Ушбу ҳинд жумбоғи сўнгги қирқ йилда болаларнинг ўз ўтмиш ҳаётларини эслашлари ҳодисасини ўрганиш билан машғул бўлган доктор, руҳият фанлари профессори Ян Стивенсоннинг эсдаликларидан олинган.

Стивенсон эслатган воқеа-ҳодисаларда, одатда, болалар ота-оналарига ёки уларни тинглашга хоҳиш билдирганларга бунгача худди яна кимдир бўлишганини эслаганларини ҳикоя қилиб берадилар. Ана шу ҳикоялар асносида болалар ўзларини бошқача тута бошлайдилар. Уларга оиланинг туриш-турмуши ғалати туюлади ва хонадондаги тарбия болалар ўтмиш ҳаётларида олган тарбияга кўп жиҳатдан мувофиқ келишига ишонтирмоқчи бўладилар. Стивенсоннинг айтишича, бундай воқеалар кўпроқ 2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар билан кечади. Улар беш ёшдан кейин эса, одатга кўра, ҳеч нимани эсломайдилар. Профессорнинг ўзи ҳам бу ҳодисанинг сир-синоатини тушунтириб бера олмайди. Боланинг тарбияси ёки диний мансублигидан қатъий назар, бу ҳол шундай кечади.

Кўпгина ҳолларда болалар ўзлари била олмайдиган одамлар, жойлар ва урф-одатларни фақат батафсил тасвирлабгина қолмайдилар, баъзи бирлари ўзларининг ўтмиш ҳаётларидаги ажиб ва хавотирли аломатларни, масалан, қачонлардир уларнинг ўлимига сабаб бўлган жароҳатнинг ўрнида қолган туғма доғларни намойиш қиладилар. Бошқалари эса, ёшларига хос бўлмаган руҳий хусусиятларни юзага чиқарадилар. Масалан, ичкилик ва чекишга иштиёқ ёки жинсий мубталолик шулар жумласидандир. Баъзи бировлари ўзларининг янги жинсига мослашишда қийинчилик сезадилар, тегишли кийимни кийиб, ўзларини шунга мувофиқ тарзда тутадилар. Бундай болаларни ҳам анъанавий психиатрия усуллари билан даволаб бўлмайди.

Замонамизда юз берган энг ҳайратли мисоллардан бири — янгидеҳлилик Рина Гапта билан кечган воқеадир. 1966 йили салкам икки ёшдаги қизалоқ илк марта ўз бувисига эри бўлганини, уни ёвузларча ўлдирганини, энди эса жинояти учун қамоқхонада азоб чекаётганини ҳикоя қилиб беради. Рინанинг сўзларига ишонишмайди, аммо улғайгандан кейин у одатдагидек аввал яшаб ўтгани ва қасддан одам ўлдиргани хусусидаги даъвосида қатъий турди. Қиз бозор оралаб сайр қилган пайтларида оломон орасидан ўтмиш ҳаётидаги танишларини излагани, агар бирор кимсани билиб олса, шубҳасиз, унинг ўзига ишонишига умид боғлагани онасини қаттиқ ғазаблантирарди. Бир куни Рининг онаси Вижендранинг дўсти Синх оиласининг фожиали тарихини эшитганди. Бу хонадонда эр ўзининг ёш хотини Гердип Синкхни ўлдириб қўйган эди. Ушбу оила тарихи ҳайратланарли бир тарзда Рина айтган воқеани эслатишини фаҳмлаб, Вижендра ҳинд пойтахтининг бошқа ҳудудида жойлашган ўша хонадонга йўл олди. Шунда, ҳақиқатан ҳам, марҳум аёлнинг эри қотиллиги учун қамоқда ётгани аён бўлди ва Вижендра ўлган Гердип Синкхнинг ота-онаси билан гаплашди. Гарчи хушламайгина бўлса-да, Синкхлар Рина билан учрашишга рози бўлишди. Рина ўша заҳотиёқ ўз отаси ва онасини таниб олди.

Ҳайратга тушган Синкхлар кўз ўнгида қизгина ўтмиш болалигидаги кўпгина ҳикояларни айтиб берди, ҳатто, кенжа синглисининг ғайритабиий лақабини ҳам четлаб ўтмади. Кейинчалик қиз ўз собиқ оиласининг қолган аъзолари билан учрашганда, уларнинг барчасини бир лаҳзадаёқ таниди. Бир неча йилдан кейин (70-йиллар бошида) балоғат ёшига етиб, ҳатто бу сир-синоатдан лол қолган эри билан суратга тушишга ҳам розилик билдиради.

Аслида Шарқ мамлакатларида ўтмиш ҳаётни эслаш ҳодисасига доир кўплаб мисолларни келтириш мумкин, булар эса фақат айримлари, холос. 1981 йили Айова штатидан де-мойналик Роми Крис исмли жажжи қизалоқ ўз ота-оналарига Жо Вилямс деган уйланган эркак эканини, бир неча йил муқаддам мотоцикл ҳалокатига йўлиқиб, хотини Шейлини бева, уч боласини сағир қолдирганча ўлиб кетганини ҳикоя қила бошлайди. Қизалоқ Роми Де-Мойнадан 140 мил (бир мил 7920 метр — таржимон) наридаги Чарльз-Ситида яшайдиган оилани бориб кўришга рухсат беришларини ёлвориб сўрайди. Таносухга ишонмайдиган эҳтиросли католиклар қизалоқнинг ота-оналарига уларнинг фарзандлари вужудига заминга қайтмаган ўзга киши руҳи ўрнига иблис жойлашиб олганлигини тахмин қилиб айтдилар. Шайтонни ҳайдаш бўйича муолажа тадбири натижа бермагандан сўнг Крислар болалар руҳшуноси, доктор Хемендра Баннержига мурожаат қилдилар. Баннержининг ўзи ҳам бундай ҳодисаларга ишонмайдиган кайфиятда бўлишига қарамай, дарров гап нималигини тушуниб етди. Чарлз-Ситига сафар уюштирилди. Роми кўпгина уй-жойларни, ҳатто ўзининг собиқ уйини ҳам таниб олди. Вильямснинг ҳалокати туфайли ўлгани ҳақидаги тахминни марҳумнинг беваси Шейли тасдиқлайди. Шунингдек 140 мил йироқда бўлгани учун ҳам бола била олмайдиган баъзи бир тафсилотлар ҳам аниқланди.

Роми Крис ота-онасининг чиндан ҳам қайта туғилиш ҳодисасининг гувоҳи бўлиб турганликларини эътироф этишдан бўлак иложлари қолмади. Доктор Стивенсон каби доктор Баннержи ҳам ўз қарашларини қайта кўриб чиқди ва шундан буён улар ўтмиш ҳаётни эслаш ҳодисаси юз бериши мумкинлигини фараз қила бошладилар.

Гарчи Ғарб жамиятларининг талайгина диний асос-қоидалари ва фалсафий қарашлари таносух назариясини рад этса-да, у вақт синовига ҳам, ғаразли маломатларга ҳам бардош берди. Бу бировга ёқадими-йўқми, амалда ҳар бир мамлакатда бундай ҳодисалар учраб туради: кичик болалар ўз ўтмиш ҳаётларини эслашади, баъзан мутлақо ғайритабиий бўлса-да, ўзларини худди катталардек тутишади. Бу жуда ғалати туюлади. Ян Стивенсоннинг мижозларидан бири, Имад Элавон исмли беш ёшли ливанлик бола ўз ўтмиш ҳаётидаги текшириб аниқланган 57 аломатни сил касалидан ўлган Иброҳим Банхонзи танасига алоқадорлигини айтиб берди. Тадқиқотчининг сўзларига қараганда, шундан 51таси мутлақо ҳақиқатдир.

Агар биз амриқолик руҳшунослар ва уларнинг издошларини ҳаёсизларча сохтакорликда айбламайдиган бўлсак, бундай зиддиятларни болалар тахайюлоти ёхуд тасодиф сифатида рад этмаслигимиз керак. Ҳақиқатга кўра, биз илк бор Ян Стивенсон баён этиб, ғайритабиий ҳодисанинг мавжудлигини исботлайдиган холисона тадқиқотларнинг натижаларини тан олишимиз ва инсон табиати биз ўйлагандан кўра анча мураккаб эканлигини эътироф этишимиз лозим.

СИР-СИНОАТЛАР

АСАЛАРИЛАРГА ДОРИГАН ШАРПА

Москвалик Игорь В. наслий касбкори бўлмиш асаларичилик билан шуғулланувчи амакисидан асаларилар уясига жин кўчиб ўтгани ҳақидаги ҳикояни эшитди.

...Бир куни Кузма Власьевич асалариларнинг ўз инидан учиб чиқмаётганига эътибор берди. У қутининг қопқоғини очиб кўраркан, асаларилар уяда тўда-тўда бўлиб ғўнғиллашаётгани, ҳар ёнга ғимирлашаётгани ва бирортаси ҳам парвозга шайланмаётганидан ажабланди. Кузьма Власьевичнинг кўнглидан кечгани шу бўлдики, бутун бошли асаларилар оиласини гўёки қандайдир куч ўз исканжасида ушлаб турганга ўхшарди. Шундан кейин зум ўтмай мўъжиза рўй бера бошлади, Кузьма қутидан нари кетди дегунча уяли ромлар дабдурустдан қулаб тушди. У ромларни ўз жойига қўйиб, бурилган заҳоти яна шовқин ва тарақ-турук бошланди.

Жин билан курашиш асаларичининг жонига тегиб, уяли ромларни қутининг ўртасида қолдирганча, ўзи уй томон кетди.

Тун кирди. Кузма ётган жойидан девор орқасида асалариларнинг ғўнғиллашаётганини эшитгандек бўлди. Тонгда туриб, «Сеҳрланган уя» нинг бўшаб қолганини кўрди. Тунда Кузма: «Демак, асаларилар бошқа жойга кўчиб кетишибди-да, - деб ўйлади. Ҳақиқатан ҳам, уядан чиққан асаларилар тўдаси даҳлиз яқинида ҳавода муаллақ осилиб турарди. Кузма уларга қараган кўйи беихтиёр ўтириб қолди.

Асаларилар тўдаси ҳадемай тик ҳолатдаги урчуқ шаклини олди. «Урчуқ» Кузма сари йўналиб, бирданига шаклини ўзгартирди ва ловия қўзоғига ўхшаб қолди.

Энг даҳшатлиси кечқурун бошланди. Асаларилар тўдаси бўйи 2 газ келадиган одам қиёфасига кирди, оёққўллари узун, буралиб-буралиб қўяди, бошида на бурни, на қулоғи, на кўзи бор. Бу одам сиёқидаги таъвия барроққос ер узра юриб борарди. Асаларичи қайда бўлмасин, уни таъқиб этарди. Эртаси куни шарпа,. тўғрироғи, асаларилар тўдасини ғайритабиий қиёфа тусини олишга ундаган ўша сирли куч ғойиб бўлди. Асаларилар тўдаси битта қолмай ҳалок бўлганди.

СУВ ПАРИЛАРИ ТЎДАСИ

Ригалик Геннаддий Баровков шундай ҳикоя қилади: «Мен ёшлик чоғимдан Қора денгизда сув ости овига қизиқиб келаман.

Ҳар йили ёзда икки ҳафтача Гурзуф ёки Анапага бориб, япалоқ балиқ, йирик чўртан ёки қораденгиз наҳангини ов қиламан. Аммо кунлардан бирида шундай воқеа содир бўлдики, ўшандан кейин овга бўлган иштиёқим тамоман барҳам топди.

Бу Анапада кечган эди. Мен 7-8 газча чуқурликдаги сувда чўмилиб, соатимга дам-одам қараганча, ўлжа умидида яшириниб турардим. Бирданига донг қотиб қолдим, ҳатто бир зум нафас олмай қўйдим. Сувнинг зангори тубидан мен томон улкан балиқлар сузиб келишарди. Буларнинг делфинлар эмаслигини мен аллақачон тушуниб етгандим. Делфинлар қора тусда бўлишини ким билмайди дейсиз. Булар эса, буткул оқ рангли ва бош қисми айнан одам қиёфасини эслатган ҳолда ниқобсиз ҳам аквалангсиз бўлиб, аммо балиқларга хос думи йирик эди. Балки, бу сув парисидир?..

Бошқа учаласининг олдига тушиб сузиб келаётгани мени кўриб тўхтади ва каттакон зағча кўзлари билан тикилиб қаради. Гарчи бу кўзлар одамникига жуда ўхшаб кетса-да, аммо уни кўзойнак орқали фарқлай олишим қийинроқ бўлди. Қолганлари ҳам йўлбошловчига яқинроқ сузиб келишди. Биринчиси қўлини силкиди! Йўқ, сузгичи билан эмас, айнан қўли билан мен томонга имо қилди. (Гарчи бармоқлари орасида пардалари бўлишига қарамай). Энди барчаси уч газ нарироқдан берига келмай, менга разм сола бошлашди. Ва бирданига улар буйруққа бўйсунгандек, фақат кучли думларини силкитганча очиқ денгиз бўйлаб тез ва чаққон сузиб кетишди. Улар кўздан пинҳон бўлган заҳоти мен сувдан бамисоли пўкакдек отилиб чиқдим-да, моторли қайиққа ўтириб, қирғоқ сари сузиб кетдим. Бу сафар мен денгизни мангу тарк этгандим.

Маҳаллий кишилар ёки мутахассислардан сирли махлуқларнинг асли нималиги ҳақида сўраб-суриштириб ўтирмадим, чунки бу «балиқ»ларнинг нелигини холис ва рўй-рост изоҳлаб беришнинг иложи йўқлигини ўзим жуда яхши тушунардим, албатта.

Сув парилари ҳақида мақолалар ўқиганимдан кейин улар чиндан ҳам мавжуд бўлса керак, деган фикрга келдим».

Русчадан Мурод ХИДИР
таржималари

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир:
Иброҳим
ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0628.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Тоҳир ШОМУРОДОВ